ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№19-21 (972-974)
2026 йил 20 март, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.




# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, бутун халқимизни эзгулик, меҳр-оқибат ва саховат айёми – муқаддас Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шукуҳли онларда барчамизни мана шундай файзли ва саодатли кунларга етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Кейинги йилларда шаклланган анъанамизга мувофиқ, мамлакатимизда Рамазон ойини муносиб ўтказиш бўйича бу йил ҳам сизлар билан, халқимиз билан биргаликда кўплаб хайрли ишларни амалга оширдик.

Аввало, махсус қарор асосида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги 35 йилда биринчи марта 1 триллион сўм маблағ ажратилиб, муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, беморларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш каби эзгу ишларга сарфланганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 450 миллиард сўм 600 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилага моддий кўмак тариқасида йўналтирилди. Бундан ташқари, ижтимоий реестрдаги даволаш режалаштирилган 6 минг нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, жумладан, оғир касаллар операция йўли билан даволанмоқда.

Шунингдек, аҳолига 100 минг дона Рамазон совғалари тарқатилди. "Рамазон туҳфаси" лойиҳаси доирасида эса эҳтиёжманд оилалар, "Мурувват" ва "Саховат" уйларида яшовчилар ҳамда хориждаги ватандошларимиз учун 30 мингдан ортиқ ифторлик тадбирлари ўтказилди.

Бундай олижаноб ишлар муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларимизнинг улкан амалий натижалари сифатида барчамизни хурсанд қилади.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янада муҳим босқичига қадам қўймоқда. Кенг кўламли янгиланиш жараёнлари туфайли ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўсиш ва юксалиш суръатлари ортиб бормоқда. Диний-маърифий соҳани ривожлантириш, ислом цивилизациясининг бой меросини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, ўтган йили Бухоро шаҳрида тасаввуф таълимотининг ёрқин намояндаси, буюк авлиё бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари номидаги илмий-тадқиқот маркази ташкил этилганини эсга олиш ўринлидир.

Бу йил эса, мана шу қутлуғ ва муборак кунларда Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилиши халқимизга ўзига хос Рамазон туҳфаси бўлди.

Бу каби эзгу ишларимизнинг давоми сифатида калом илмининг султони Имом Мотуридийнинг Самарқанд шаҳридаги мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Тошкент шаҳрида эса яқин кунларда Халқаро бағрикенглик ва динлараро мулоқот маркази фаолиятини йўлга қўямиз. Ушбу марказ Ватанимизнинг миллатлар ва динлараро мулоқот ва ҳамкорлик, тинчлик ва дўстлик диёри сифатидаги нуфузини оширишга хизмат қилади, деб ишонаман.

2 →

# ИМОМ БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ –

## Янги Ўзбекистоннинг дурдонаси



2 →

# Ислом цивилизацияси маркази

## тарих, илм ва келажак уйғонишининг рамзи

Ислом цивилизацияси маркази



**Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар нафақат иқтисодий ёки сиёсий соҳаларни, балки жамиятнинг энг нозик ва муҳим қатлами бўлган маънавий-маърифий ҳаётни ҳам чуқур қамраб олмоқда. Хусусан, инсон қадрини улуғлаш, миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш ва бой цивилизацион меросни қайта кашф этиш – бу ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.**

**Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,**
**Нигора НОЗИМЖОНОВА,**
*"O'zbekiston bunyodkori" мухбирлари.*

Кўзланган мақсадларнинг амалий ифодаси сифатида юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиши нафақат мамлакатимиз, балки бутун ислом олами ва кенг жаҳон жамоатчилиги учун ҳам улкан маънавий ва маданий воқеа сифатида баҳоланмоқда. Мазкур марказ ўз моҳиятига кўра фақат архитектура ёки илмий мажмуа эмас, балки кўп асрлик тарих, илм-у маърифат ва юксак маънавиятни ўзида мужассам этган ноёб макондир.

Шу маънода, ушбу маскан Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий уйғониш сиёсатининг амалий натижаси, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатларнинг ёрқин намунаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилаётгани ҳақида тўхталиб, муқаддас динимиз эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асрабавайлашга, илм-маърифат йўлига даъват этишини, уни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганлар билан муроса қилиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ана шу юксак ғоя ва мақсадлар асосида бунёд этилган мазкур марказ халқимизнинг уч минг йиллик тарихи, бунёдкорлик салоҳияти, жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси, буюк аждодларимизнинг маданий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ва кенг оммалаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ўзининг маҳобати, майдони ва қамровига кўра, дунёда ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияларини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган йирик мажмуалардан бири ҳисобланади.

У Тошкентнинг машҳур Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудидаги 10 гектар майдонда барпо этилган. Бино уч қаватдан иборат бўлиб, узунлиги 161 метр, эни 118 метрни ташкил этади. Гумбазининг баландлиги 65 метр, умумий фойдаланиш ҳудуди эса 50 минг квадрат метр. Бу каби ноёб кўрсаткичлар уни "Гиннесснинг рекордлар китоби"га киритиш учун ҳам асос бўлмоқда.

**"Бу маскан билан танишган ҳар бир одам, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ислом динининг гуманистик моҳиятини англаб етади, ўзининг қандай улуғ мерос эгаси эканини ҳис этиб, қалби ғурур ва ифтихорга тўлади"** – деди Президентимиз мажмуанинг очилиши маросида сўзлаган нутқида. Шунингдек, марказнинг очилиши Рамазон ойида, ифторлик маросими билан уйғун ҳолда ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Чунки Рамазон – фақатгина рўза тутиш ойи эмас, балки инсон қалбини поклаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш давридир. Президентимиз ўз нутқида айнан бу ой инсонларни бирлаштириб, уларни эзгуликка ундайди ва жамиятдаги ижтимоий адолат туйғусини кучайтиришини алоҳида таъкидлади.

Қолаверса, маросимга турли қатлам – нуронийлар, олимлар, дин арбоблари, дипломатлар ва турли конфессия вакилларининг жалб қилиниши Ўзбекистонда шаклланган диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитининг амалий ифодасидир. Бу, мамлакатнинг очиқлик сиёсати ва глобал мулоқотга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлайди.



– Ушбу лойиҳага старт берилган пайтда бу ҳудуд оддий маҳалла эди, – деди "Трест 12" МЧЖнинг 50-қурилиш бошқармаси раҳбари Отабек Аҳмедов. – Вақт ўтиши билан мажмуа учун зарур бўлган ҳудуд босқичма-босқич тайёрланиб, очиб борилди. Юртбошимиз ташриф буюриб, тамал тошини қўйганидан сўнг эса қурилиш ишлари янада жадаллашди. Дастлаб, асосий бино қурилишига эътибор қаратилиб, кейинчалик унинг атрофини ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилди. Ислом цивилизацияси марказининг фундаменти қўйилган илк кунлардан то бугунги ҳолатига келгунига қадар жуда катта меҳнат сарфланди. Бинонинг ҳар бир кичик деталигача катта жамоанинг пухта ва фидокорона меҳнати мужассам. Айниқса, муқарнаслардан тортиб равоқларгача, безаклардан тортиб гулларнинг жойлашишигача бўлган барча жиҳатлар устида олимлар чуқур изланиб, ўзига хос ва такрорланмас натижани яратишга эришдилар. Мажмуанинг ҳар бир элементи ўзаро мутаносиблик асосида танланган бўлиб, унда миллийлик замонавий неоклассик услуб билан уйғунлаштирилган. Натижада бетакрор ва ноодатий меъморий қиёфа юзага келган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай мажмуа дунёда ягона, деб бемалол айта оламан. Чунки Европанинг қатор давлатларида, жумладан, Туркия ва Италияда бўлганимда ҳам бу даражада мукаммал иншоотни учратмадим. Шу боис, ушбу лойиҳада бевосита иштирок этганимдан фахрланаман. Ҳар гал марказга назар ташлаганимда, йиллар давомида қилган меҳнатларимиз самараси бугун кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлаётганини кўриб, қалбим ғурурга тўлади.

4 →

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Ҳурматли юртдошлар!

Жаҳондаги ҳозирги ғоят мураккаб вазиятда оила ва маҳаллаларда, бутун мамлакатимизда осойишталик, файзу барака муҳитини сақлаш, ёшларимизни ёт ва бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш ўта долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Биз бу борада катта ҳаётий тажрибага эга бўлган муҳтарам отахон ва онахонларимиз, жонкуяр ака-ука ва опа-сингилларимиз, ҳурматли зиёли ва уламоларимизга, маҳалла фаоллари ҳамда ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

Ушбу улуғ айём кунларида жаҳоннинг турли ҳудудларидаги уруш ва низолар тезроқ барҳам топиб, барча халқлар тинчлик ва барқарорликда ҳаёт кечиришини тилаб қоламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларидаги мусулмон биродарларимизни қутлаб, самимий салом ва тилакларимизни йўллаймиз.

Хорижда байрам шукуҳи билан яшаётган ватандошларимизни ҳам чин дилдан табриклаб, уларнинг ишлари ва ўқишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Қадрли ва муҳтарам юртдошлар!

Аллоҳ таолонинг раҳмати ёғилиб турган ушбу қутлуғ дамларда сиз, азизларни Ийд ал-Фитр байрами билан яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Рамазон ойида тутган рўзаларимиз, қилган эзгу амалларимиз қабул бўлсин!

Парвардигори олам эл-юртимизни Ўз паноҳида асрасин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган, руҳий поклик, мустаҳкам имон, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, биродарлик ва бирдамлик каби юксак қадриятларни ўзида мужассам этган Рамазон ойи ҳамда муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли дин ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Табрикномаларда кўп миллатли Ўзбекистон халқига тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилиб, мамлакатимиз билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга интилиш қатъий экани билдирилган.

Хусусан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**;

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;

Туркманистон Президенти **Сердар Бердимуҳамедов**;

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён**;

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Масъуд Пезешкиён**;

Покистон Ислом Республикаси Президенти **Асиф Али Зардорий**;

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири **Шаҳбоз Шариф**;

Кувайт Давлати Амири **Шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;

Кувайт Давлати Валиаҳди **Шайх Сабоҳ ал-Ҳолид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ**;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири **Нарендра Моди**;

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид**;

Баҳрайн Подшоҳи **Шайх Ҳамад бин Исо ал-Халифа;**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Таббун**;

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;

Ливия Давлати Президент кенгаши раҳбари **Муҳаммад Юнус ал-Манфи**;

Афғонистон Бош вазири вазифасини бажарувчи **Мулла Муҳаммад Ҳасан Охунд**;

Комор ороллари Иттифоқи Президенти **Ғазалий Усмоний;**

Исроил Давлати Президенти **Ицхак Герцог**;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (UNESCO) бош директори **Ҳолид ал-Ананий**;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Нурлан Ермекбаев**;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори **Уларбек Шаршеев**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;

Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси **Бинали Йилдирим**;

Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусайн Иброҳим Тоҳа**;

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ICESCO) бош директори **Салим ал-Малик**;

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Асад Хон**;

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби **Жасим Муҳаммад ал-Будайвий**;

Кавказ мусулмонлари идораси раиси Шайхулислом **Оллоҳшукур Пошозода**.

*Табриклар келишда давом этмоқда.*

# ИМОМ БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ –
## Янги Ўзбекистоннинг дурдонаси

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифининг иккинчи куни Пайариқ туманида қайтадан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюрди.

Зиёратгоҳнинг қоқ марказида буюк ҳадисшунос бобомизнинг табаррук мақбараси ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари мақбарани зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

– Муборак Рамазон ҳайити арафасида буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларининг руҳи покларига яна бир бор ҳурмат-эҳтиром бажо келтирмоқдамиз. Бухорий бобомиз Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар манба бўлган ҳадислар китобини яратиб, бутун ислом оламида шуҳрат қозонган улуғ сиймодир. Муқаддас заминимиз дунёга мана шундай машҳур алломани бергани билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан бугун орзу-ниятларимиз рўёбга чиқди. Бу бетакрор зиёратгоҳни Имом Бухорий бобомизнинг оламшумул мавқеига, юксак мақомига муносиб даражада бунёд этишга муяссар бўлдик. Мана шундай табаррук маскан барчамизга муборак бўлсин, – деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мажмуасида якунига етган бунёдкорлик ишлари ва яратилган шароитлар билан танишди.

Мажмуа давлатимиз раҳбари ташаббуси билан буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида тутган юксак мавқеи, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Зиёратчиларга ҳар томонлама қулай шароит яратилди.





Хусусан, мажмуа қошида туризм маркази очилди. Ёндош 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари барпо этилди. Жумладан, 1 та тўрт юлдузли, 2 та уч юлдузли меҳмонхона, 22 та 176 ўринли оилавий меҳмон уйлари ҳамда автотураргоҳ қурилган. Мазкур объектлар тўлиқ коммуникация тармоқлари билан таъминланиб, ҳудудида ободонлаштириш ишлари амалга оширилган.

Натижада Имом Бухорий мажмуаси илгари бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир кунига 65 минг нафар зиёратчини қабул қилиш қувватига эга.

Мажмуанинг ўзи Самарқанднинг, Янги Ўзбекистоннинг дурдонаси бўлиб қад ростлади. Унинг майдони 45 гектарни ташкил этади. 10 минг кишига мўлжалланган улкан масжид, маъмурият биноси, 154 устунли, миллий услубдаги муҳташам айвон қурилди.

Мажмуа таркибида энг илғор ахборот технологиялари асосида 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей барпо этилди. У ислом оламида "муҳаддислар султони" дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музейда Қуръони каримда исмлари зикр қилинган 25 пайғамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси, Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ҳадисларнинг жамланиши ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Қадамжода 14 та мовий гумбаз, 75 метрлик 4 та минора унга улуғвор қиёфа бағишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари туризм маркази ва масжидда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Маълумки, бир ярим минг йиллик ислом тарихини, илм-маърифатини юртимиздан етишиб чиққан буюк олиму уламоларнинг номларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу кунларда расман очилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳам бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.

Бутун мусулмон оламида ҳадис илми ҳақида гап кетса, ҳеч шубҳасиз, бизнинг диёримиз биринчилар қаторида тилга олинади. Чунки Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк ҳадисшунос олимлар айнан мана шу замин фарзандларидир.

Хусусан, Имом Бухорийнинг "Саҳиҳи Бухорий" китоби дунёда тан олинган энг мўътабар олтита ҳадис китобининг биридир. Ўн ёшидан бошлаб ҳадис илмини ўрганган аллома бобомиз 20 дан ортиқ асар ёзганлар. Улар то ҳануз дину диёнатимизни мустаҳкамлаш йўлида ислом умматига хизмат қилиб келмоқда.

Президентимиз ҳар гал Самарқандга келганида мажмуанинг қурилиш жараёни билан танишиб, бу жой фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши, Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ҳамда камолоти зиёратчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши кераклигини таъкидлаганди.

– Ушбу бетакрор қурилиш Янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини яққол намоён этади. Зиёратгоҳ халқимиз учун, жаҳондаги барча мусулмонлар учун эзгулик ва маърифат нурини таратадиган қутлуғ масканга айланади, деб ишонаман. Аминманки, бу даргоҳни зиёрат қилиб, унинг маънавий муҳитидан баҳраманд бўлган инсон, айниқса, ёшлар ислом динининг асл маъносини англаб етади, тўғри йўлдан адашмайди, – деди Президентимиз.

Шунинг учун ҳам Имом Бухорий мажмуасида маънавий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уни чинакам тарбия ва ибрат мактабига айлантириш, бу ерда имом-хатиблар, маҳалла фаоллари учун малака ошириш дастурларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Бу ердаги барча ишлар якунига етганини ҳисобга олиб, янги қурилган муҳташам масжидда Ҳайит намозини адо этиш таклиф қилинди, бу мўмин-мусулмонларимиз, бутун эл-юртимизнинг кўнглидаги иш, халқимизга муносиб Рамазон совғаси бўлиши таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи давомида Самарқанд шаҳридаги Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ, ўтган йили юртимизда ақида илмининг асосчиси Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Самарқанд шаҳридаги Чокардиза қабристони ҳудудида Имом Мотуридий мажмуасини қайта таъмирлаш ва ободонлаштиришга киришилганди.

Айни пайтда мажмуа ва унинг атрофида қурилиш-ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Умумий майдони 10,2 гектар бўлган ҳудудда Имом Мотуридий мажмуаси қайта қурилиб, 250 ўринли масжид, кириш пештоқи, илмий марказ, кутубхона, музей ва автотураргоҳ бунёд этилмоқда.

Шунингдек, қурилиш ишлари жараёнида Чокардиза қабристонида буюк фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний дафн этилган жой ҳам аниқланиб, бу ерда мақбара қурилмоқда.

Алломалар ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишларини кўздан кечириб, ушбу маскан дунё мусулмонлари талпинадиган зиёрат манзилларидан бири эканини қайд этиб, бу ерда улар учун замон талабларига мос шароит яратиш зарурлигини таъкидлади.

– Мажмуага келган киши аввало Имом Мотуридий бобомизнинг илмий-маънавий мероси, ислом оламида тутган мавқеи ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлиши, алломанинг маърифатпарвар қарашлари бугун ҳам долзарблигини ҳис қилиши керак, – деди Президент.

Қурилишни сифатли ва ўз вақтида бажариш, ҳудудда яшил майдонларни кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Ҳизр мажмуасида бўлиб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Бугунги айём кунларида улуғ аждодларимиз ва бу дунёдан ўтган яқинларимизни ёд этиш, уларнинг эзгу ишларини эслаш хайрли амаллардан экани таъкидланди.

Шунинг билан давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**


1949
QISHLOQQURILISHLOYIHA
Bahor nafasi ufurib turgan sharqona yangi yil –
Navro'z
bilan barcha hamyurtlarimizni muborakbod etamiz.
Yangilanish va yasharish ayyomi xonadoningizga qut-baraka,
oilangizga totuvlik va mehr olib kelsin.

# Ислом цивилизацияси маркази

## тарих, илм ва келажак уйғонишининг рамзи







→ 1

### Тарих ва келажакни боғловчи кўприк

Ислом цивилизацияси маркази – бу оддий музей ёки анъанавий илмий муассаса эмас. У ўз мазмун-моҳияти билан ўтмиш, бугун ва келажакни ўзаро боғловчи, тарихий хотира ва замонавий тафаккурни уйғунлаштирувчи улкан маънавий кўприк вазифасини ҳам бажаради. Шу сабабдан, марказнинг барпо этилиши тасодифий ёки шошилинч қарор эмас, балки чуқур ўйланган, илмий ва тарихий жиҳатдан пухта асосланган стратегик лойиҳа ҳисобланади.

Президентимизнинг **“Биз ҳар жиҳатдан бу улкан лойиҳани амалга ошириш учун шошилмадик, етти эмас, етмиш марта ўйлаб, узоқни кўзлаб, тинимсиз изландик. Ниҳоят, қадимдан Тошкенти азимнинг маънавий маркази бўлиб келган Ҳазрати Имом мажмуаси ёнида, кўриб турганингиздек, бетакрор архитектурага, чинакам миллий руҳ ва миллий қиёфага эга бўлган шарқона шаҳарча барпо этилди”** дея таъкидлагани фикримизнинг исботидир.

Ушбу мажмуа орқали Ўзбекистон ўзининг уч минг йиллик тарихи, цивилизацион тараққиётдаги ўрни ва жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини намоён этмоқда. Қолаверса, архитектура ечимлари, ички бадиий безаклари ва мазмунан бой экспозициялари ҳам айнан шу ғояни – цивилизацион изчиллик ва маънавий давомийликни ифода этишга хизмат қилади.

Шунингдек, мажмуанинг катта ҳудудни эгаллаши унинг нафақат кўлами, балки стратегик аҳамиятини ҳам яққол намоён этади. Шу жумладан, марказнинг Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудида жойлашгани ҳам рамзий маънога эга. Бу ер азалдан илм ва маърифат маркази бўлган, ислом илмлари ривож топган муқаддас макон ҳисобланади. Бу ерда ташкил этилган “Исломгача бўлган давр”, “Биринчи ва Иккинчи Ренессанс”, “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс пойдевори” каби экспозицион заллар орқали мамлакат тарихи узвий, мантиқий ва изчил тарзда ёритилган. Бу экспозициялар ҳар бир ташриф буюрувчига Ўзбекистон ҳудудида кечган цивилизацион жараёнларни кенг қамровда англаш имконини беради.

Жумладан, Ўзбекистон тарихи муайян бир давр ёки босқич билан чекланмайди. Аксинча, у минг йиллар давомида шаклланган, бир-бири билан изчил боғланган ва доимий равишда тараққий этиб борган цивилизацион жараёндир. Шу нуқтаи назардан қараганда, Марказ нафақат тарихни намоён этувчи макон, балки миллий ўзликни англаш, маънавий меросни чуқур идрок этиш ва уни келажак авлодларга етказишга хизмат қилувчи муҳим институционал пойдевор сифатида намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуани бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган лойиҳачи ва қурувчилар, муҳандислар, олиму уламолар, хорижий ҳамкор ва экспертларга, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти аъзоларига, барча фидойи инсонларга миннатдорлик билдирди. Шунингдек, мазкур йирик ва мураккаб маданий иншоотни қуришда ҳомийлик ёрдамини кўрсатган маҳаллий ва чет эллик тадбиркорлар, маданият ва спорт намоёндаларига алоҳида раҳмат айтди.



– Марказ нафақат меъморий иншоот, балки миллий ва маънавий қадриятларимизни ўзида мужассам этган улкан мажмуа сифатида қад ростлади, – деди Ислом цивилизацияси маркази бош меъмори Абдуқаҳҳор Турдиев. – Юртбошимиз ҳар бир ташрифда мажмуанинг меъморий қиёфаси, мазмун-моҳияти ҳамда унинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ҳақида муҳим кўрсатмалар бериб, ушбу масканнинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлишига алоҳида эътибор қаратди. Шу боис, мазкур лойиҳада қатнашиш мен ва мен каби кўплаб архитекторлар ҳамда қурувчилар учун нафақат катта масъулият, балки улкан шараф бўлди. Қурилиш давомида юзлаб мутахассислар – меъморлар, муҳандислар, усталар ўз билим ва тажрибаларини сафарбар этиб, фидокорона меҳнат қилди. Ҳар бир ғишт, ҳар бир безак, ҳар бир чизилган лойиҳа ортида ана шу заҳматкаш инсонларнинг меҳнати мужассам. Бугун эса, ана шу меҳнатларнинг самараси кўз ўнгимизда намоён бўлиб турибди. Мажмуанинг бетакрор кўриниши, замонавий ва миллий анъаналар уйғунлигида барпо этилгани барчамизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилган ишлар юксак баҳоланиб, мамнунлик билан айтилган фикрлар биз учун янада катта руҳий далда бўлди. Шу билан бирга, ўз меҳнатимиз натижасини кўриб, қалбимизда чуқур қониқиш ҳисси пайдо бўлди. Зеро ҳар бир қурувчи ва архитектор учун бунёд этилган иншоотнинг юксак даражада эътироф кўриши – энг катта мукофотдир.

### Архитектура ва рамзий маънолар уйғунлиги

Ислом цивилизациясининг архитектурасида миллий анъаналар ва замонавий меъморчилик услублари уйғунлашган. Марказ қадимий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қурилган бўлиб, унга тўрт томондан – тўрт асосий портал орқали кириш мумкин. Ушбу порталлар ва бинонинг ташқи равоқлари илм-маърифат, бағрикенглик, инсонийлик ва ота-онага ҳурмат мазмунидаги Қуръон оятлари ҳамда ҳадислар билан безатилган.

Биринчи қаватдан қарийб 8 минг 350 квадрат метрлик кўргазма залига эга музей ва 550 ўринли анжуманлар зали ўрин олган. Иккинчи қаватда эса қўлёзма ва тошбосма манбалар, босма ва электрон адабиётлар фондига эга кутубхона, ўқув заллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар учун шароит яратилган.

Қурилиш жараёнларини кузатиш давомида Президентимиз **“Бу улкан лойиҳа оддий бир чизма эмас. Уни юрак чизган, меҳр чизган, орзу ва армонлар чизган. Қуръони карим сақланадиган муқаддас зал ҳам шунчаки яратилган эмас. У юракдан туғилган, халқимизнинг орзу-интилишлари ва буюклигини намоён этиш истагидан пайдо бўлган маскандир. Бу лойиҳа буюк халқимизнинг асл қиёфасини рўёбга чиқаришга қаратилган эзгу ниятлар маҳсулидир”** деб бежиз таъкидламаган.

Бинонинг гумбази, унинг баландлиги ва ички безаклари инсонни ҳайратга солади. Айниқса, гумбаз остидаги юлдузлар композицияси – инсон ва коинот ўртасидаги боғлиқлик, илм ва кашфиётларга бўлган интилиш рамзи сифатида талқин этилиши мумкин. Шунингдек, марказнинг юраги ҳисобланган Қуръон зали ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бу ерда сақланаётган нодир қўлёзмалар нафақат диний, балки инсоният цивилизацияси тарихи учун ҳам улкан аҳамиятга эга. Бу қўлёзмалар орқали нафақат ислом тарихи, балки Шарқ китобат санъати, илмий фикр ва эстетик диднинг юксак даражаси намоён бўлади. Ҳар бир қўлёзма бу ўзига хос тарих, ўзига хос цивилизация намунасидир.



– 2017 йилнинг август ойида мамлакат раҳбари томонидан ушбу ноёб иншоотни қуриш бўйича топшириқ берилгач, институтимиз бош лойиҳаловчи сифатида белгиланди ва бизга катта масъулият юкланди, – деди “O‘zog‘irsanoatloyiha” лойиҳа институти Механика-технология сектори мудири Лариса Ступникова. – Чунки мазкур объект нафақат бетакрор архитектураси, балки замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган мураккаб муҳандислик тизимлари билан ҳам ажралиб туриши лозим эди. Марказнинг кўп функциялилиги иш жараёнини янада мураккаблаштирди. Унда музей, реставрация устахоналари, катта фондга эга кутубхона, илмий ва маъмурий бўлимлар, шунингдек, халқаро анжуманлар учун мўлжалланган заллар жойлашган. Бу эса, ҳар бир ҳудуд учун турлича техник талаблар – ҳарорат ва намлик режими, хавфсизлик ва ёнғинга қарши тизимлар, ташриф буюрувчилар ва экспонатлар ҳаракатини тўғри ташкил этиш каби масалаларни ҳал этишни талаб қилди. Халқаро экспертлар билан ҳамкорликда биз ушбу вазифаларни муваффақиятли бажардик. Иншоотнинг конструктив жиҳатлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бинонинг катта ҳажми ва ҳудуднинг 9 балгача бўлган сейсмик фаоллиги ҳисобга олиниб, мураккаб ҳисоб-китоблар амалга оширилди ва бу унинг мустаҳкамлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилди. Менинг вазифаларим технологик жиҳозлаш билан бирга халқаро субпудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳам қамраб олди. Франция, Италия, Буюк Британия, Россия, Туркия, Исроил ва бошқа давлатлардан ҳамкорлар билан доимий алоқа ўрнатилиб, мунтазам онлайн йиғилишлар ўтказилди. Уларда бинога оид конструктив ва муҳандислик ечимлари, хавфсизлик ва техник тизимлар атрофлича муҳокама қилинди. Албатта, турли давлатлар меъёрий талабларининг фарқли экани ишни қийинлаштирди. Бироқ шунга қарамасдан, биз самарали ҳамкорликни йўлга қўйиб, ишончни оқлашга эришдик. Бу лойиҳа мен учун катта тажриба ва юксак фахр манбаи бўлди.



### Тараққиётнинг асосий драйвери

Президентимиз нутқида алоҳида таъкидланган “Энг аввало, илм ва таълим” тамойили марказ фаолиятининг асосий ғоявий устунидир. Демак, ислом цивилизацияси тарихи шундан далолат берадики, бу дин ҳеч қачон жаҳолатни эмас, балки илмни тарғиб этган. Бундан ташқари, марказ пештоқига Қуръони каримдаги “Икро!” яъни “Ўқи!” амрининг ёзилиши чуқур рамзий маънога эга. Бу нафақат диний, балки цивилизацион чақириқ ҳамдир. Бу эса, инсонни изланишга, билишга ва тафаккур қилишга даъват этувчи умуминсоний ғоядир.



Шунингдек, марказ кутубхонаси ўзининг бой фонди билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда сақланаётган минглаб қўлёзма, нодир нашр ва электрон ресурслар илмий тадқиқотлар учун кенг имконият яратади. Кутубхонанинг умумий майдони 3 минг 105 квадрат метрни ташкил этади. Ҳозирги вақтда унинг фонди 45 минг 150 тадан зиёд адабиётни қамраб олган бўлиб, шундан 2 минг 609 таси нодир нашрлардан иборат. Бундан ташқари, кутубхонада 350 мингта электрон адабиёт мавжуд. У бир вақтнинг ўзида 310 нафар фойдаланувчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Олимлар ва профессорлар учун алоҳида 4 та хона ташкил қилиниб, уларнинг илмий фаолият олиб бориши учун барча замонавий техника ва қулайликлар яратилган.

Кутубхона бўлимларидан бири 22 нафар маърифатпарвар жадид боболаримизнинг меросига бағишланган. Жадидларнинг фотопортретлари жойлаштирилган китоб жавонларида эса улар томонидан яратилган ва фаолиятига оид нодир адабиётлар ўрин олган. Шунингдек, кутубхона фондини Ўзбекистоннинг улуғ мутафаккир олимлари ҳаёти ва ижоди, улар ташкил этган илмий мактаблар тўғрисидаги ноёб нашрлар билан бойитиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, буюк алломаларимизнинг қўлёзма ва тошбосма асарларининг илк нашрлари, уларнинг илмий меросини ўрганишга бағишланган ноёб тадқиқотлар ва шарҳлар харид қилиниб, фондга қўшилган. Бу ишлар хорижий аукционлар, илмий муассасалар, хусусий коллекциялар ҳамда халқимиз томонидан келтирилган манбалар ҳисобига мунтазам давом эттирилмоқда.

Кутубхонадан Европа нодир нашрлари ҳам ўрин олган бўлиб, уларда лотин тилидаги мусулмон сулолалари, туркий халқлар тарихи, Шарқ халқларига оид энциклопедиялар, Хуросон ва Мовароуннаҳрга бағишланган саёҳатномаларнинг XX асргача бўлган даврда чоп этилган нусхалари мавжуд. Шу билан бирга, шахсий коллекциялардан харид қилинган қўлёзмалар, Носируддин Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё” асари, Алишер Навоийнинг XIX аср бошларида Тошкентда кўчирилган девонлари, Мавлоно Жалолиддин Румий асарларининг туркий тилдаги таржималари каби нодир манбалар ҳам кутубхона мазмунини янада бойитган.

Кутубхонада имконияти чекланган фойдаланувчилар учун ҳам алоҳида шароит яратилган. Хусусан, кўриш қобилияти чекланган ёки заиф кўрувчи инсонлар учун махсус хоналар, ихтисослашган дастурлар, принтер ва қурилмалар ўрнатилган, улар учун Брайл ёзувидаги 1000 дан ортиқ адабиёт келтирилган. Ўзбекистонда илк бор айнан шу кутубхонада овоздан холи кабиналар ташкил этилган бўлиб, улар фойдаланувчиларнинг онлайн мулоқот олиб боришида атрофдагиларга халақит бермаслик, шу билан бирга, суҳбат ва шахсий маълумотлар махфийлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, “Сонис чаир” аудио ресурслар учун замонавий қурилмаси нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам биринчи марта шу ерда жорий этилган.



– Ушбу маскан тасаввуримдагидан ҳам маҳобатли, муҳташам ва муаззам эканига гувоҳ бўлдим, – деди томошабинлардан бири, журналист Муҳаммадали Пўлатов. – Марказ нафақат ўз кўлами, балки мазмун-моҳияти билан ҳам бутун жаҳон аҳлини лол қолдиришига амин бўлиб қайтдим. Ҳар бир бўлим, ҳар бир экспонат ва осори-атиқалар юксак дид ҳамда аниқ тартиб асосида жойлаштирилган. Энг қадимий топилмалар эса энг замонавий технологиялар асосида сақланаётгани алоҳида эътиборга сазовор. Марказ бўйлаб саёҳат қилар экансиз, инсоният яралган илк даврлардан тортиб бугунги кунгача юртимиз қандай буюк ва бой тарихни бошдан кечирганига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Қолаверса, марказ кутубхонаси ҳам кишини чексиз ҳайратга солади. Нодир асарлар ва қимматбаҳо китобларнинг босма ҳамда электрон базаси билан бойитилган ушбу кутубхона илм аҳли учун ҳақиқий хазинадир.

Ислом цивилизацияси маркази





## Меросни тиклаш ва глобал миқёсда тарғиб қилиш

Ушбу марказнинг энг муҳим вазифаларидан бири – Ўзбекистон ҳудудида шаклланган ислом цивилизацияси меросини жаҳон миқёсида тарғиб қилишдир. Бу борада халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, марказда ICESCO, IRCICA, Oxford Centre for Islamic Studies каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани унинг глобал илмий майдондаги ўрнини янада мустаҳкамлайди. Бу ҳамкорликлар орқали нафақат илмий тадқиқотлар, балки маданий дипломатия ҳам ривожланади. Бу жараёнларда Ўзбекистон ўзини ислом цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида намоён этмоқда.

Қайд этилганидек, Ислом цивилизацияси маркази 2025 йилнинг ўзидаёқ минглаб хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар орасида қатор давлатлар президентлари, парламент ва ҳукумат раҳбарлари, депутат ва сенаторлар, вазирлар, элчилар, илм-фан ва жамоат арбоблари, диний ташкилотлар раҳнамолари бор. Марказни лойиҳалаш, қуриш ва замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашда Франция, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Туркия, Германия, Испания, Италия, Малайзия, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлардан малакали мутахассислар иштирок этди.

Марказ қисқа муддат ичида халқаро нуфузли ташкилотлар ва нашрлар томонидан эътироф этилаётгани таъкидланди. Хусусан, марказ Франциянинг Авиценна мукофотига сазовор бўлган, АҚШдаги Смитсон институтининг “Smithsonian Magazine” нашри талқинига кўра, 2026 йилда дунёда энг катта қизиқиш билан кутилган 10 та музейдан бири сифатида эътироф этилган. Шунингдек, “Condé Nast Traveler” нашри уни 2026 йил июнь ойида ташриф буюриш мумкин бўлган музейлар рўйхатига киритган, BBC Travel эса дунёдаги энг кўп кутилган музейлар қаторига қўшган.

Марказда ташриф буюрувчиларга халқаро стандартлар асосида хизмат кўрсатиш учун тарқатма материаллар, брошюралар ва китоблар тайёрланган. Ўзбекистон музей амалиётида илк бор халқаро экспертлар жалб этилган ҳолда замонавий кимё-физик лабораторияда барча музей ашёларининг кимёвий таркиби ва яратилганлик вақти аниқланиб, уларнинг технологик паспортлари тайёрланган.

Халқаро ISO стандартлари асосида экспонатлар рақамлаштирилиб, ягона электрон платформага жойлаштирилган. ЮНЕСКО ва ИКОМ талаблари, шунингдек, жаҳоннинг энг машҳур музейлари тажрибаси асосида экспонатларнинг 8 йўналишдаги этикетаж эталонлари ва таснифлари яратилган. Ҳар бир экспонатга QR-кодлар жойлаштирилиши натижасида ташриф буюрувчилар мобил телефон ёки планшет орқали уларнинг видео ва аудио контенти билан дастлаб 3 тилда, кейинчалик эса 8 тилда танишиш имконига эга бўлади.

– Бугунги авлод буюк алломаларнинг мероси қандай шаклланганини билиши шарт, – деди Малайзиянинг етакчи Қуръон нашриёти раҳбари Ҳажи Моҳд Асяҳарим бин Абдул Латиф. –Марказ ўз турида ягона. Дунёнинг кўплаб илмий-маърифий масканларига борганман. Аммо ишонч билан айта оламанки, бу мен кўрган энг гўзал иншоотдир. Нафақат меъморчилиги, балки мазмуни ва тақдимоти ҳам юксак даражада. Қадимий мусҳафлар билан юзма-юз туриш эса беқиёс туйғудир. Бундан ташқари, материаллар шунчалик равшан ва аниқ тақдим этилганки, инсон ўзини илму маърифат муҳитида ҳис қилади. Мен Ўзбекистон Президенти ва унинг халқига ушбу ажойиб ташаббус учун миннатдорчилик билдираман.

## Ноёб экспонатлар – тарихнинг жонли гувоҳи

Марказда сақланаётган экспонатлар орасида дунёдаги энг қадимий Қуръон нусхаларидан бири – Усмон Мусҳафи алоҳида ўрин тутади. Бу нафақат диний, балки бутун инсоният тарихи учун муҳим ёдгорликдир.

Президентимиз бу борада **“Марказнинг асосий зали, таъбир жоиз бўлса, қалби – бу, ҳеч шубҳасиз, муқаддас Қуръон залидир. Бу ерда дунёдаги энг қадимий 6 та Қуръони каримнинг бири бўлган мўътабар Усмон мусҳафи бугун ўзининг юксак мақомига муносиб шарафли ўрин топди. Шунингдек, ушбу залда турли даврларга оид нодир Қуръон қўлёзмалари ҳам жамланган. Шу муборак кунда барчамиз, Худонинг инояти билан, мана шундай ноёб ва муқаддас Усмон Қуръонининг илоҳий шарофати билан юртимиз доимо тинч-осойишта бўлсин, ҳаётимиз қут-баракага тўлсин, деб дуо қиламиз”** деб таъкидлади.

Шу сабабли мажмуадаги Қуръони карим залини безатиш унинг нодир қадамжога айлантириш борасида тинимсиз изланишлар олиб борилди. Унинг самараси ўлароқ, ушбу зал, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг маънавий қалби айланди.

Зал гумбази остида махсус мэппинг голограммаси яратилган бўлиб, унда аввал коинот тасвири намоён бўлади, осмондаги юлдузлар жилоланади. Эътиборлиси, гумбаз остидаги юлдузлар композицияси Тошкент осмонида тунда кўринадиган юлдузлар харитаси асосида шакллантирилган. Уларни ифода этиш учун 90 дона “Swarovski” тоши ва 650 дан ортиқ чироқлардан фойдаланилгани мазкур залга алоҳида улуғворлик бағишлаган.

Бу ерда Усмон Мусҳафи билан бир қаторда юртимизга тегишли бўлган, турли сулолалар даврида яратилган 114 та нодир Қуръон қўлёзмаси жамланган. Улар орасида сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, темурийлар, шайбонийлар ва бошқа даврларга мансуб ноёб нусхалар бор. Бу қўлёзмалар Шарқ китобат санъатининг юксак намуналари сифатида нафақат диний, балки улкан тарихий, илмий ва бадиий қимматга ҳам эга. Залдаги замонавий витриналарда халқимиз орасида асраб-авайлаб сақланиб келинган ва марказ фондига тақдим этилган асл қўлёзмалар ҳам муносиб ўрин олган.

Қайд этилганидек, марказ тамал тоши қўйилганидан 2025 йилга қадар унинг фондидаги қадимий манбалар сони 2 мингдан ошди, нодир Қуръон қўлёзмалари эса 60 тадан зиёдга етди. Уларнинг барчаси халқимиздан жамланган ва халқаро аукционлар орқали харид қилинган. Бу борада амалга оширилган ишлар миллий ва диний меросимизни қайта тиклаш, тарқоқ ҳолда сақланаётган бебаҳо манбаларни Ватанга қайтариш, уларни илмий муомалага киритиш ва келажак авлод учун асраб қолиш йўлидаги теран ёндашувни яққол намоён этмоқда.

Зал экспозицияларидан қимматли қўлёзмалардан, 1589 йилда хаттот Султон Муҳаммад томонидан саккиз бурчак шаклида кўчирилган ва тумор сифатида ҳам ишлатилган “Бозубанд” Қуръон қўлёзмаси, XVII асрга мансуб, сафавийлар даври хаттотлик ва китобат санъатининг етук босқичини акс эттирувчи жуда нафис безакли нусха, 1872 йилда хаттот Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳади томонидан мағрибий хат услубида кўчирилган ноёб қўлёзма, шунингдек, XII-XIII асрлар чегарасида салжуқийлар даврида хаттот Муҳаммад Содиқ ибн Муҳаммад Шафий томонидан насх хатида кўчирилиб, сатрлар орасига форсий таржимаси берилган нодир нусхалар ўрин олган. Айрим қўлёзмаларда Самарқанд, Ҳирот ва Бухоро китобат мактабларининг анъаналари яққол намоён бўлиши қайд этилган.

Сўнгги йилларда 1,5 мингдан ортиқ экспонат, жумладан, 800 га яқин қадимий қўлёзма, археологик топилма ва тарихий хариталар экспозицияга тўплангани, уларнинг катта қисми эса хориждан олиб келингани давлат сиёсатида маданий меросни тиклашга қанчалик катта аҳамият берилаётганини кўрсатади.

– **Ислом цивилизацияси марказини барпо этишга киришар эканмиз, мен, дунёнинг қаерида бўлмасин, тарихимизга тегишли бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, битта экспонат бўлса ҳам топиб, юртимизга олиб келишни орзу қилган ва шу вазифани ўртага қўйган эдим. Минг шукрки, бугун ана шу мақсадимизга аста-секин эришяпмиз. Бу ишларни, албатта, давом эттирамиз**, – деди давлатимиз раҳбари ўз нутқида.

Қайд этилганидек, Президентимиз топшириғига мувофиқ, хориждаги маданий бойликларни Ўзбекистонга қайтариш ишлари изчил олиб борилмоқда. Ўтган йилда Буюк Британиядаги “Sotheby`s” ва “Christie`s” каби аукцион уйлари, арт-дилерлар ва шахсий коллекционерлардан 700 дан ортиқ артефактлар сотиб олинган. Шунингдек, турли муассасалар, ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан 1000 дан ортиқ буюмлар ҳадя қилинган. Уларнинг асосий қисми биринчи қаватидаги музейга жойлаштирилган.

Экспозицияда сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, темурийлар ва бошқа даврларга мансуб кўплаб нодир артефактлар намойиш этилган. Хусусан, X аср охирларида ишланган, олтин суви юритилган ва сомоний саркардаси Абу Мансур Сабуктекин номи битилган кумуш баркаш, сомонийлар даврига оид кумуш пиёла ва мис сиёҳдон, Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбекхон даврида ясалган, фируза тошлар билан безатилган аёллар камари, XIX аср усмонийлар даврига мансуб “Аллоҳ” ва “Муҳаммад” исмлари битилган зардўзи кашталар алоҳида эътиборга молик экани айтилди.

## Учинчи Ренессанс пойдевори

Юртбошимиз ўз нутқларидан бирида бу ерда янги Хоразмийлар, Берунийлар, Улуғбеклар етишиб чиқиши керак, деб таъкидлаган эди. Бу шунчаки образли ибора эмас, балки стратегик мақсаддир. Шунинг учун ҳам Ислом цивилизацияси маркази фақат ўтмишни ўрганиш билан чекланиб қолмайди. У Янги Ўзбекистонда шаклланаётган Учинчи Ренессанс ғоясининг амалий майдонидир. Шунингдек, бу мажмуада талабалар учун замонавий таълим олиш, олимлар учун фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, ижодкорлар учун эса илҳом манбаи бўладиган кенг имкониятлар яратилган. Илмий лабораториялар, қўлёзмалар фонди, мультимедиа экспозициялар ва халқаро ҳамкорлик платформалари бу жараённи янада самарали ташкил этишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, мазкур маскан фақат музей ёки тадқиқот маркази эмас, балки илм, ижод ва тафаккурни бирлаштирувчи универсал маънавий-маърифий платформа сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, марказда замонавий лабораториялар, рақамлаштириш тизимлари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган инфратузилманинг яратилгани унинг фақат музей эмас, балки илмий марказ эканини кўрсатади.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари олим ва тадқиқотчилар, шоир ва адиблар, диний уламолар, режиссёр ва рассомлар, журналистлару ижодкор ёшларга мурожаат қилиб, **“Бу тенгсиз бойликдан илҳомланиб, сизлар яратадиган илмий тадқиқотлар, бадиий китоб, кино ва театр асарлари, картина ва кўрсатувлар уч минг йиллик тарих ва маданиятнинг сўнмас овози бўлиб дунёга таралсин! Янги Ўзбекистонни тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат диёри сифатида оламга тараннум этсин! Халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун тарбия ва миллий ғурур мактабига айлансин!”** деди.

Хулоса қилиб айтганда, бу иншоот шунчаки меъморий мўъжиза ёки оддий илмий муассаса эмас, балки миллий ғурурни уйғотувчи, тарихий хотирани тикловчи ва келажакка бўлган ишонч ҳамда умидларни мужассам этган юксак маънавий-маърифий маскандир. У орқали Ўзбекистон ўзининг бой ва кўп асрлик меросини қайта кашф этиб, уни асраб-авайлаб, замонавий талқинда жаҳон ҳамжамиятига намоён этмоқда. Энг муҳими эса, у инсонни ўйлашга, изланишга ва ўзлигини англашга ундайдиган маънавий манзил сифатида ҳар бир қалбга таъсир ўтказади. Ана шу жиҳатлари билан Ислом цивилизацияси маркази нафақат юртимиз, балки бутун инсоният учун хизмат қиладиган буюк маърифий марказга айланиши, шубҳасиз.

Мақолани Президентимизнинг ушбу сўзлари билан якунлашни лозим топдик: **“Бугун ўзлигимизни англаш йўлида катта тантана бўлди. Минг шукрки, тўққиз йил давомида ният қилиб, изланиб, ҳаракат қилиб, халқимизнинг кимлигини, тарихимизни ҳаққоний акс эттирадиган мажмуани барпо этдик. Бу ерга келган ҳар бир инсон, айниқса, ёшларимиз, қандай аждодлар авлоди эканимизни билиши, англаши керак...”**



# Байрам арафасида фойдаланишга топширилган объектлар

## Қорақалпоғистон Республикаси



Бўзатов туманининг "Қусханатов" ОФЙдаги Жданкўл қишлоғи аҳолиси Наврўзни қўшалоқ байрам сифатида кутиб олмоқда.

Ҳудуддаги эски оилавий шифокорлик пунктида қурилиш ва реконструкция ишлари сифатли бажарилиб, фойдаланишга топширилди. Кўп тармоқли поликлиниканинг филиали сифатида таъмирдан чиқарилган бинода сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари ва бошқа зарур жиҳозлар беморларга хизмат кўрсатмоқда.

## Наманган



Янги Наманган туманидаги "Kadeer parts industry" корхонаси ташаббуси билан ҳар хил русумли автомобил чироқларини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Муҳими, энди бу маҳсулотни четдан келтириш ҳажми бир неча баробарга камайди. Корхона жамоаси жорий йилда ушбу маҳсулотни ички бозорга тўлиқ етказиб бериш қаторида ишлаб чиқариш ҳажми ва зарур қисмлар турини кўпайтириб, четга бир неча миллион долларлик экспорт қилишни режалаштирган.

## Жиззах



Шароф Рашидов туманидаги Янги ҳаёт маҳалласида ички кўчалар ободонлаштирилиб, аҳолига хизмат кўрсатувчи мажмуалар бунёд этилди.

Хонадонларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида модернизация қилиш ишлари олиб борилди ва эскирган симёғочлар ўрнига темир-бетон устунлар ўрнатилди. Шунингдек, қуввати 250 кВА бўлган янги трансформатор пункти ўрнатилиб, байрам арафасида ишга туширилди. Тармоқдаги бу ўзгаришлар маҳаллада электр юкламасини камайтириш орқали хонадонларда чироқлар барқарор ёнишига замин яратади.

## Сурхондарё




"Chiroy Muzrabot qurilish" хусусий корхонаси ишчи-ходимлари томонидан замонавий қиёфада бунёд этилган 180 ўринли ўқув биноси нафақат Музработ туманидаги 3-умумтаълим мактаби жамоасига, балки Меҳнатобод маҳалласида яшаётган аҳолига ҳам арзирли туҳфа бўлди.

Таълим муассасасида устозлар ва ўқувчилар учун барча шароит яратилган. Кенг ва ёруғ ўқув хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Айни пайтда туман ҳудудида жойлашган яна 6 та умумтаълим мактабини тубдан реконструкция қилиш ва 9 та давлат мактабгача таълим ташкилотини қуриш ишлари жадал бормоқда. Улар ҳам яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

## Қашқадарё

Ғузор туманида "Ғузор дон маҳсулотлари" МЧЖ фаолият бошлади. Лойиҳа доирасида Туркиянинг "Wensmak" компанияси томонидан илғор технологиялар ўрнатилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилди.

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида ишга туширилган корхонанинг йиллик қуввати 120 минг тонна олий навли ун маҳсулотини ташкил этади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган сифатли ун ташқи бозорларда ҳам маҳаллий маҳсулот улушини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

## Тошкент

Бекобод туманидаги Қўштамғали маҳалланинг янги биноси Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

Ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида инфратузилма тўлиқ янгиланиб, ижтимоий объектлар ва жамоат жойлари замонавий қиёфага кирди. Шунингдек, "Қўрғон", "Уяс", Бобур Мирзо номли МФЙларнинг бинолари ҳам қайта реконструкциядан чиқарилиб, барча хоналар мебель жиҳозлари, компьютер жамламалари билан таъминланди.

**Ўз мухбиримиз.**

▼ Ўзбек миллий ўйинлари



# Кўклам нафаси ва миллий ўйинлар руҳи

Баҳор нафаси юртга илиқлик, кўнгилларга эса янгиланиш руҳини олиб кирган паллада, халқимиз асрлар давомида асраб-авайлаб келаётган қадриятлар яна бир бор уйғонади. Ана шундай муқаддас ва миллий анъаналар мужассам бўлган байрам эса Наврўзи оламдир.

**Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,**
*"Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.*

Наврўз нафақат табиатнинг уйғониши, балки инсон қалби, жамият руҳияти ва миллий хотиранинг ҳам янгиланиши демакдир. Шарқона янги йил деб аталадиган бу байрамни халқона руҳда, самимий кайфиятда нишонлашда миллий анъана ва қадриятларимиз билан бир қаторда, миллий халқ ўйинларимизнинг ўрни ҳам беқиёс. Зеро, ўйинлар бу фақат вақт ўтказиш воситаси эмас, балки халқнинг ҳаёт тарзи, тафаккури, орзу-интилишлари ва руҳий дунёси акс этган ноёб маданий меросдир.

## Халқ педагогикасининг амалий кўриниши

Қадимдан халқимиз турмушида миллий ўйинлар алоҳида аҳамият касб этган. Айниқса, баҳор фаслида ўтказиладиган сайиллар, халқ йиғинлари ва Наврўз тантаналарида бу ўйинлар янада жонланади. Улар орқали ёшлар жисмоний бақувват бўлишдан ташқари, жамоавий бирдамлик, жасорат ва матонат каби фазилатларни ҳам ўзлаштирган.

Масалан, миллий кураш – бу шунчаки беллашув эмас, балки мардлик, ҳалоллик ва рақибга ҳурмат каби фазилатларни тарбиялайдиган мактабдир. Шу боис, у бугун халқаро миқёсда ҳам тан олинган спорт турига айланган. Арқон тортиш ўйини эса жамоавий бирлик, куч ва ҳамжиҳатлик рамзи сифатида аҳамиятлидир. Шунингдек, халқ ўйинлари қаторида чиллик, варрак учириш, дор ўйинлари каби машҳур анъанавий ўйинлар ҳам борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъно, руҳий мазмун ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Шу жумладан, чиллик ўйини болалар ва ўсмирларда чаққонлик, аниқлик ва тезкор фикрлашни шакллантирса, варрак учириш орқали инсон табиат билан уйғунликни ҳис қилади, сабр-тоқат ва интилиш каби фазилатлари шаклланади. Осмонга кўтарилган варрак гўё орзу ва умидларнинг тимсолига айланади. Дор ўйинлари эса жисмоний мувозанат, жасорат ва ўзини бошқариш қобилиятини синаб кўрадиган ўйинлардан саналади. Унда иштирокчилар нафақат танасини, балки иродасини ҳам бошқара олишни ўрганади. Бу каби ўйинлар инсонни қийин вазиятларда ўзини йўқотмасликка, барқарорликни сақлашга ўргатади.

Умуман олганда, бу ўйинларда нафақат чаққонлик ва эпчиллик, балки зеҳн, ирода, сабр ва тез қарор қабул қилиш қобилияти ҳам синовдан ўтади. Шу жиҳатдан қараганда, миллий ўйинлар халқ педагогикасининг амалий кўриниши бўлиб, ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда ўзига хос ҳаётий мактаб вазифасини бажаради.

## Маънавий мерос давомийлиги

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларга бўлган эътиборнинг изчил ортиши натижасида халқ ўйинлари нафақат қайта тикланди, балки жамият ҳаётида янада фаол ўрин эгаллай бошлади. Улар халқ сайиллари, оммавий байрамлар ва айниқса, Наврўз тантаналарида кенг намойиш этилиб, миллий руҳни янада юксалтирмоқда.

Бугунги ёшлар учун миллий ўйинлар бу шунчаки қизиқарли машғулот эмас, балки ўз илдизларини англаш, миллий ўзликни ҳис этиш ва аждодлар мероси билан руҳий боғланиш имкониятидир. Уларда мужассам бўлган жасорат, эпчиллик, сабр ва бирдамлик каби фазилатлар ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади. Шу орқали миллат руҳи, аждодлар жасорати ва ҳаётий фалсафаси ёшлар қалбига чуқур сингиб, уларни баркамол шахс сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

Наврўз бу – фақат янги кун эмас, балки ўтмиш ва келажакни боғловчи маънавий кўприкдир. Миллий халқ ўйинлари эса ана шу кўприкнинг мустаҳкам устунларидир. Уларни асраш, ривожлантириш ва келгуси авлодга етказиш бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

# Боёвутда янги боғча ишга тушди



Давлатимиз раҳбарининг ПҚ-454-сонли қарорига асосан, Боёвут туманидаги Алишер Навоий номли маҳалласида жойлашган 6-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти янгидан қурилиб, замонавий кўринишда фойдаланишга топширилди.

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,**
*"Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.*

Умумий қиймати 3 миллиард 600 миллион сўм бўлган лойиҳа доирасида 120 ўринли янги бино қад ростлади. Муассасада болажонлар учун кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ўқув ва ўйин жиҳозлари, зарур инфратузилма ҳамда барча қулай шарт-шароитлар яратилди. Эндиликда ушбу мактабгача таълим ташкилотида 35 нафар ходим доимий иш ўрнига эга бўлиб, тарбияланувчиларга сифатли таълим-тарбия бериб келмоқда.

# Табиат байрамидан сиёсий саҳнагача

Наврўз байрамининг тарихий илдизлари ва нишонланиш анъаналари ҳақидаги энг қадимги ва қимматли маълумотлар Абу Райҳон Берунийнинг "Осор ул-боқия" асарида келтирилган. Беруний Наврўзни табиатнинг уйғониши ва астрономик янгиланиш нуқтаси сифатида таърифлаб, унинг келиб чиқишини афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди.

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,**
*"Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.*

Қадимда бу кунда одамлар тонг саҳарда бир-бирларига сув сепиб покланганлар ва ширинликлар улашганлар. Ушбу анъана ва тушунчалар кейинчалик Умар Хайёмнинг "Наврўзнома" рисоласида янада кенгроқ фалсафий мазмун касб этди. Хайём Наврўзни оламнинг қайта туғилиши деб атаб, шоҳларнинг бу кунда халққа кўриниши, лола сайиллари ва етти хил дондан таомлар тайёрлаш маросимларини батафсил баён қилган.

Ўрта асрларда Бухоро воҳасидаги Наврўз тантаналари ҳақида Абу Бакр Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" асарида қимматли маълумотлар қолдирган. Унинг ёзишича, Бухорода "Наврўзи кишоварз" (Деҳқон наврўзи) деб аталган махсус маросим ўтказилган ва "Мох" бозорида байрам муносабати билан катта сайиллар уюштирилган. Темурийлар ва Бобурийлар даврига келиб, Наврўз давлатнинг энг олий тантанасига айланди. Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарларида қайд этилишича, байрам боғ-у роғларда, кенг майдонларда бир неча кун давом этадиган базмлар, шоирлар мушоираси ва элчиларни қабул қилиш маросимлари билан ўтган.

Бироқ вақт ўтиши билан Наврўзнинг ушбу халқчил ва соф байрамона руҳи Бухоро амирлиги даврида ўзгача тус олди. Буни Садриддин Айний ўзининг "Эсдаликлар"ида шундай хотирлайди:

– Шамсий йилининг илк ойи ҳамалнинг биринчисида бошланадиган Наврўз исломдан илгариги байрамларнинг биридир. Бинобарин, тожик халқи Рамазон, Қурбон байрамидек диний байрамларда бир кун сайил қилса, Наврўзда ҳафталаб байрам қиларди. Бу байрам баҳор бошида, ҳамма ўсимликлар уйғонган чоғда бошлангани сабабли, инсон табиати ҳам уйғонар эди.

Илгари замонларда Наврўз деҳқон учун чинакам куч-қувват манбаи бўлган. Қишнинг изғиринли кунларидан чиққан бободеҳқонлар қишлоқ майдонларида тўпланиб, кураш тушганлар, миллий ўйинлар орқали баданларини баҳорги экин-тикин ишларига тайёрлаганлар. Бу байрам уч кунлик умумий сайилдан сўнг қизғин меҳнат мавсумига уланиб кетган. Наврўзнинг асл жозибаси ҳам шунда – у инсонни яратувчанликка, ер билан тиллашишга ундаган.

## Сиёсий қуролга айланиши

Амир Музаффар даври ва Ширбадан сайили Бухоро амирларидан бу байрамнинг халқчил шаклини йўқотиб, унга расмий тус берган киши амир Музаффар эди. У ҳам бу ишни Россия билан бўлган урушда енгилгандан сўнг амалга оширди. Ҳақиқатгўй қарияларнинг шу сатрлар муаллифига айтган сўзларига кўра, амир Музаффар урушда енгилгандан сўнг халқ олдида обрўсиз бўлиб қолган, айниқса, урушда бўшаб қолган хазинасини тўлдирмоқчи бўлиб, аҳолини талон-торож қилганидан халқнинг унга нафрати янада ошиб-тошди.

Бинобарин, у манзил қурган ҳар бир ерда чавкий (умумий базм) уюштириб, одамларни унинг томошасига банд қилар, шу йўл билан халқ оммасининг диққатини ўзининг ножўя ишларидан четга тортар, ёки ўз кирдикорларини хаспўшларди.

Жумладан, у шаҳарнинг шарқий томонида икки километрча узоқдаги Ширбадан деган чорбоғида ҳар баҳор Наврўз байрами – сайилини ташкил этарди. Бу сайиллар икки ойча, ҳатто етмиш кунгача давом этарди. Амир бу сайилга Бухоронинг атроф туманларидан ҳамма созанда ва халқ паҳлавонларини мажбуран жалб этарди. Ширбадан чорбоғининг атрофидаги деҳқонларнинг ҳовлиларида жойлашиб, сайилнинг бошидан охиригача ўз ҳисобларига тирикчилик қилар ва амирнинг сайилини обод этишарди. Баҳор бошидаги бу узоқ муддатда уларнинг барча деҳқончилик ишлари тўхтатилиб, баҳорги экин экиш фурсати ўтиб кетарди. Бу сайилда фақат амир мажбуран келтирган созандалар, паҳлавонлар ишдан қолмасди, балки яна кўп деҳқонлар ҳам ноилож сайил томошасига келиб харажат қилар ва ишдан қоларди.

Амир бу сайилга Бухоро атрофидаги туманларнинг аҳолисини келтириш билан чекланмай, Қарши, Шаҳрисабз, Хатирчи, Кармана ва Нурота каби музофотларнинг халқини ҳам жалб этарди. Бу балодан, йўл узоқлиги туфайли келтириш имконияти бўлмаганидан, тоғ аҳолиси озод эди. Абдулаҳадхон амирлик вақтида сайил ўн беш кунга қисқартирилди. Бу қисқартириш ҳисобига ўзи қурган "Ситораи Моҳи Хоса" боғида ва ўзининг кўпроқ турадиган жойи Карманада Ширбадан сайилидан сўнг яна ўн кунлик ёки бир ойлик сайил ўтказиладиган бўлди. Бу уччала сайилга кетадиган вақт отасининг узоққа чўзиладиган сайиллари муддатига тенглашарди.

Абдулаҳад Карманада уюштирадиган сайилларида одамларни бир-бири билан уриштириш йўлини "кашф" этган эди. Сайилгоҳнинг тузилиши ва тартиби Ширбадандаги асосий сайилгоҳ амир чорбоғи олдидан ўтадиган катта йўлнинг



▲ Қадимда Наврўз сайли

икки томонида жойлашганди. Шаҳардан бораётганда чап тарафда атрофи девор олинган майдон бор эди, уни "чил таноби" (ўн гектарлик) дейишарди, унинг катта дарвозаси бўларди.

Сайилнинг асосий томоша жойи – подшоҳлик боғи дарвозасининг олди бўлиб, бу ер ниҳоятда тор эди. Ҳар эрталаб бу ерда аввал чавкий (умумий) базм, сўнгра кураш ташкил қилинарди. Бундаги томошаларни даставвал сарой аҳли тинчлик билан, сўнгра ярим тинч ҳолда дўкондорлар кўрарди. Тўда-тўда бўлиб келадиган шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳеч нарсани кўролмасди, чунки ясовуллар базм ва кураш майдонини қўриқламоқчи бўлиб, уларни калтаклаб орқага ўтказар, орқадан келадиган янги одамлар тўдаси эса, уларни босиб олдинга ўтмоқчи бўларди. Шу сабабли оддий томошабин аҳоли на олдинга на орқага ўтолмас ва ҳар соатда оломоннинг оёғи остида поймол бўлиш хавфини кечирарди.

Яқин тарихимиздаги Наврўз сайллари юқорида баён қилинган тартибда ўтказилган. Минг шукрки, истиқлол туфайли асрий қадриятларимизнинг асл тимсоли – Наврўзни бугун халқимиз шоду хуррамликда, тинч-тотувликда ўтказмоқда.

# Янгиланиш, меҳнат ва бирдамлик байрами

Андижонда байрам авжида



Наврўз неча асрдирким, халқимизнинг маънавий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаб келаётган, табиатнинг уйғониши, янги ҳаёт нафаси ва инсон қалбидаги эзгу орзу-умидлар тимсоли бўлган улуғ байрамдир.



Бобур шаҳридаги Наврўз сайли

**Зиё СИРОЖ,**
*“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.*

У нафақат тақвимда қизил ҳарф билан белгиланувчи сана, балки халқнинг яшаш тарзи, меҳнатга муносабати ва бирдамлик руҳини ўзида мужассам этган бебаҳо қадрият сифатида ҳам намоён бўлади. Хусусан, Фарғона водийсида ҳам Наврўз байрами ўзига хос шукуҳ ва кўтаринки руҳ билан нишонланади. Зеро айнан шу кундан сўнг далалардаги деҳқончилик ишлари жадал тус олади, ерга уруғ қадалади, меҳнат мавсумига пойдевор қўйилади. Бу меҳнат эса нафақат тирикчилик манбаи, балки инсоннинг ҳаётга бўлган ишончи, эртанги кунга бўлган умидининг кафолатидир. Шу боис, бу байрам водий аҳли учун алоҳида аҳамият касб этиб, ҳар бир хонадонда қувонч ва файз билан кутиб олинади.

Жорий йилда ҳам Андижон вилоятида Наврўз байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Вилоятнинг асосий тантаналари Бобур шаҳридаги кенг ва файзли майдонда қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтади. Ўн кун аввал бошланган халқ сайли ҳар бир иштирокчининг қалбида унутилмас таассурот қолдирмоқда. Корхона ва ташкилотлар, туман ва шаҳарлар вакиллари ўзларига бириктирилган ҳудудларда миллий қадриятларимизни акс эттирувчи саҳналарни намоён этишяпти. Дошқозонларда қайнаётган сумалакнинг ширин ҳиди, паловнинг хушбўй нафаси, тандирларда ёпилаётган кўк сомса ва қатламалар байрам дастурхонига ўзбекона лаззат бағишламоқда.

– Байрам тадбирида иштирок этар эканман, ўзимни шарқона эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис қилдим, – деди хитойлик тадбиркор Хан Фей. – Одамлар жуда фаол, ҳар бирининг қалбида баҳорий кайфият ҳукмрон. Ҳар қадамда миллий анъаналарга бўлган эҳтиромни кўряпман. Наврўз нафақат баҳорнинг, балки инсонлар ўртасидаги бирдамлик ва тотувликнинг ҳам байрами экан.

Дарҳақиқат, сайл иштирокчилари ҳар бир жиҳатга ижодий ёндашдилар. Масалан, “Андижон сув таъминоти” акциядорлик жамияти жамоаси томонидан ўрнатилган ҳавода муаллақ турган фаввора томошабинларни ҳайратга солди. Бу нафақат техник жиҳатдан қизиқарли иншоот, балки сувнинг ҳаёт манбаи эканини ифода этувчи рамзий ечим сифатида ҳам аҳамиятли бўлди.

– Бир қарашда мураккаб туюлган бу қурилма аслида жуда содда лойиҳа, – деди жамият бош муҳандиси Хумоюнжон Алимов. – Ер остига ўрнатилган 200 литрли идишдан мотор орқали сув юқорига узатилади ва яна айланма тарзда тушади. Бу орқали биз табиатдаги сув айланиш жараёнини амалий тарзда намоён этдик.

Шунингдек, байрам тантаналари Избоскан туманида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам кенг йўл очди. Туман бўйлаб шу кунгача 36,5 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, атроф-муҳит янада кўркамлаштирилди. Бу жараёнда корхона ва ташкилотлар билан бир қаторда маҳалла аҳли ҳам фаол иштирок этди.

– Бир туп дарахтнинг аҳамиятини кўпчилик тўлиқ ҳис қилмаслиги мумкин, – деди меҳнат фахрийси Қобилжон Шокиров. – Аслида эса бир дарахт йил давомида ўнлаб инсонларнинг нафас олиши учун зарур бўлган кислородни ишлаб чиқаради. Демак, ҳар бир экилган кўчат келажак авлодга қилинган энг катта инвестициядир. Агар масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, қанча кўп кўчат эксак, шунча кўп ҳаёт манбаини яратган бўламиз. Ушбу айём айни шу каби эзгу ишларга чорлайди.

Андижон шаҳридаги кўп қаватли уйларда ҳам байрамга пухта тайёргарлик кўрилди. Юзлаб хонадонларда таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, томорқаларга турли мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. Айниқса, “Шинам маҳалла” бошқарув сервис компанияси жамоаси бу борада ибратли ташаббусларни амалга оширди.

Наврўзни миллий ўйинларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Балиқчи туманида бўлиб ўтган кураш беллашувлари бунинг ёрқин намунаси бўлди. Унда нафақат юртимиз вилоятларидан, балки қўшни давлатлардан ҳам полвонлар иштирок этди.

– Ўзбекистонда Наврўз жуда кўтаринки руҳда нишонланар экан, – деди қирғизистонлик Сайқал Маматова. – Шу боис, набираларим билан байрамни томоша қилиш учун бу ерга келдик. Кураш мусобақасини кузатар эканман, халқингиз нафақат жасур, балки бағрикенг ва инсонпарвар эканини яна бир бор англадим. Бу байрам кўплаб халқларни бир даврада жамлаётгани билан ҳам қадрлидир.

Марҳамат туманида эса байрам кунлари аҳолига муносиб совға тайёрланди. Туман ҳокими Илёсбек Умрзоқов маҳаллаларни бевосита ўрганиб, аҳолининг муаммоларига ечим топишга алоҳида эътибор қаратди.

– Маҳалламизда ичимлик суви, йўл ва бандлик масалалари анча вақтдан буён ечимини кутаётган эди, – деди Кўтарма маҳалласида истиқомат қилувчи Неъматжон Холдоров. – Қисқа муддатда амалга оширилган ишлар туфайли ҳудудимиз обод манзилга айланди. Наврўзни ана шундай ўзгаришлар билан қарши олганимиз биз учун энг катта байрам совғасидир.

Бир сўз билан айтганда, Наврўз шодиёнаси андижонликларнинг нафақат маҳалласи ва хонадонларига, балки қалбига ҳам кўчган. Чунки ҳақиқий ободлик, поклик ва байрамона кайфият, аввало, инсоннинг кўнглидан бошланади. Наврўз эса ана шу кўнгилларни ёритиб, халқни эзгулик ва бирдамлик сари етаклайдиган муқаддас айёмдир.

# 1 400 нафар ёшга Наврўз туҳфаси

Бухоро вилояти Олот туманидаги Опшоқ маҳалласида бунёд этилаётган замонавий спорт маскани



Аҳолининг замонавий бинолардан фойдаланиб, мактаб ва боғчаларда сифатли таълим-тарбия олиш жараёнида ҳамда кўнгилочар масканларни ободонлаштиришда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси яхши самара бермоқда.

**Зулфизар МАВЛОНОВА,**
*“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.*

Бу лойиҳа орқали нафақат шаҳар марказлари, балки энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам одамларнинг орзу-истаклари реал воқеликка айланмоқда. Масалан, Бухоро вилояти Олот туманидаги Опшоқ маҳалласида бунёд этилаётган замонавий спорт маскани бунинг ёрқин исботидир.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ўтган 2025 йилда “Ташаббусли бюджет” жараёнида Опшоқ аҳли фаоллик кўрсатиб, 3 минг 800 дан зиёд овоз жамлашга муваффақ бўлишди. Натижада лойиҳа ғолиб деб топилиб, давлат бюджетидан 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда мазкур маблағ эвазига ҳудудда кўркам ва замонавий спорт майдони барпо этилмоқда.

Қурилиш ишлари тажрибали пудратчи ташкилот “Капитал сифат қуриш” МЧЖ томонидан олиб борилмоқда. Жадал суръатларда давом этаётган бунёдкорлик жараёнида сифат ва халқаро стандартларга алоҳида эътибор қаратилган.

Опшоқ маҳалласида истиқомат қилувчи аҳолининг қарийб 1 минг 400 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти футбол ва спортнинг бошқа турларига иштиёқманд. Шу боис, қурилаётган 42x24 метр ўлчамдаги сунъий қопламали, усти ёпиқ мажмуа нафақат спорт иншооти, балки ёшларнинг ўзаро дўстлашадиган, соғлом рақобат руҳида вояга етадиган масканига айланади. Шунингдек, мажмуада ёш футболчилар учун кийиниш ва ювиниш хоналари, замонавий ёритиш тизимларини ўрнатиш сингари барча зарур шароитларни яратиш кўзда тутилган. Бу эса, йилнинг исталган фаслида об-ҳаво инжиқликларига қарамай, машғулотларни узлуксиз давом эттириш имконини беради.

Айни кунларда маҳалла аҳли ва ёшларнинг қувончи чексиз. Боиси, янги спорт масканининг фойдаланишга топширилиши Наврўз байрами арафасига режалаштирилган. Бу байрам шодиёналарига ўзига хос мазмун бағишлаши шубҳасиз. Зеро бугун Олотнинг чекка қишлоғида қад ростлаётган мажмуа эртага юртимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарадиган чемпионларни тарбиялаб беришига ишончимиз комил.

# Юрт яшилликка бурканмоқда

Ҳар йили кўклам кириб келиши, баҳор фаслининг илиқ нафаси эсиши билан юртимизни яшилликка буркаш, атрофни кўкаламзорлаштиришдек хайрли ишлар бошланиб кетади.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
*“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.*

Аждодлардаги авлодларга ўтиб келаётган эзгу анъана туфайли мавжуд табиий ҳудудларни сақлаб қолиш, уларни қайта тиклаш, экологик муҳитни яхшилаш, ўсимлик дунёсини, яшил майдонларни кўпайтириш ва ривожлантиришга жиддий аҳамият қаратилади.

Эндиликда бу ташаббус давлатимиз раҳбарининг таклифи билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида ташкил этилаётганлиги эътиборга сазовордир.

– “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг муҳим қисми ҳисобланган ҳаракатдан мақсад – жонажон диёримизни янада яшилликка буркаш бўлиб, дов-дарахт, турли гул ва буталар экишга аллақачон киришганмиз, – деди “Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК директори Азиз Ражабов. – Жумладан, А-378 автомобиль йўлининг Нуробод ва Пастдарғом туманларидан ўтган қисмининг икки томонига 10 мингдан зиёд бута, дарахт кўчатлари экиб, ихотазор яратдик. Бу ҳудудлар асосан дашт ерлардан иборат эканлиги, ёзда жазирама иссиқ ва чанг-тўзонлар бўлиши мумкинлиги алоҳида ҳисобга олинди. Ҳашарда ходимларимиз билан бир қаторда вилоят ҳокими Адиз Бобоев, жамоатчилик вакиллари, шунингдек, Оқсой, Меҳнаткаш, Элбек каби маҳаллалар аҳолиси фаол қатнашдилар.

Айтиш керакки, вилоят экология ва иқлим ўзгариши бошқармаси маълумотларига кўра, жорий мавсумда вилоятда бахорги юмушларни бажаришга қизғин киришилган. Ўрмон хўжаликлари, ихтисослашган кўчатчилик фирмалари барча хилдаги кўчатларни етарлича тайёрлаб, буюртма бўйича жойларга етказиб беришмоқда. Режага мувофиқ, жорий йилда вилоят бўйича 6,9 миллион туп турли мева ва манзарали дарахт экиш кўзда тутилмоқда.




O'ZGASHKLITI
Navro'z bayramingiz
muborak bo'lsin!
O'zGASHKLITI


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AKSIYADORLIK JAMIYATI
O'ZOG'IRSANOATLOYIHA
INSTITUTI
Musulmon ahlining eng
quvonchli kuni –
Ramazon hayiti
hamda xalqimizga quvonch
ulashib tashrif buyurayotgan
Navro'z bayrami
barchangizga
muborak bo'lsin!
Ezgu niyatlaringiz amalga oshib, hayotingiz shodlikka to'lsin.


·1928·
"O'zshaharsozlik LITI"
BOSH LOYIHA INSTITUTI DAVLAT MUASSASASI
21-mart – Navro'z bayrami munosabati bilan qadrli yurtdoshlarimizni ezgulik, nafosat, yasharish, yangilanish, mehr-oqibat ayyomi –
Navro'z
umumxalq bayrami bilan samimiy muborakbod etamiz!

Тошкент шаҳрининг янги дизайн-коди















# Тошкент шаҳрининг дизайн-коди расман тасдиқланди

Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси маъумотига кўра, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши шаҳар дизайн-кодини тасдиқлади.

Бу ҳақдаги қарор Тошкент Инвест Компанияси буюртмасига кўра, SM International томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат асосида қабул қилинди. Ҳужжатда пойтахт ҳокимиятининг таклифлари ҳам инобатга олинди.

Мазкур қарор жамоат жойларини режалаштириш, шаҳар дизайни элементларини жойлаштириш, тижорат объектларини безаш ҳамда шаҳарнинг визуал идентификациясига оид қоидаларни белгилайди. Унда дизайн элементлари каталоглари, туристик ва гастрономик кўчалар рўйхати, шунингдек, ободонлаштириш ва санитария тозалиги учун эксплуатация йиғими миқдори ҳам киритилган. Ҳужжатга кўра, пойтахтдаги туман ҳокимликлари икки ой ичида бош архитекторлар назорати остида жамоат жойлари чегаралари схемаларини ишлаб чиқиши керак. Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши мавсумий савдо, хизмат кўрсатиш объектлари ва қурилиш-монтаж ишларини лойиҳалаштиришда дизайн-код талабларига риоя этилишини назорат қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги қурилиш, таъмирлаш ва реконструкцияга рухсат беришда, шунингдек, йўллар, пиёдалар йўлакчалари ва бошқа инфратузилма элементлари билан боғлиқ ишлар амалга оширилганда ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлайди. Тўрт ой ичида пойтахт ҳокимияти жамоат жойларида манзил кўрсаткичлари ва навигация элементларини тасдиқланган стандартлар асосида ўрнатиш ва алмаштириш дастурини ишлаб чиқади.

Шу билан бирга, дизайн-код талаблари капитал қурилишга оид шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига интеграция қилинади. Бино ташқи кўринишини ўзгартириш, реконструкция қилиш, енгил конструкциялар ўрнатиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш, реклама элементларини жойлаштириш, шунингдек, муҳандислик тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини лойиҳалаштириш ҳамда модернизация қилишда дизайн-код талабларига риоя қилиш ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий бўлади.

Кенгаш қарори расман эълон қилинганидан уч ой ўтгач кучга киради. Бу эса пойтахтда шаҳар ташқи қиёфаси ва жамоат жойларини ривожлантириш бўйича ягона стандартларни тизимли равишда жорий этиш имконини беради.

**Ўз мухбиримиз.**

# Кўчмас мулкингиз “сносга” тушганми?



Бугунги кунда Ўзбекистон кўчмас мулк бозори тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шаҳарларнинг янги бош режалари, эски биноларни бузиш ва янги турар жой мажмуалари қурилиши мулк эгалари олдида муҳим саволни туғдиради: уларнинг уй-жойи, ер участкаси ёки бошқа иншоотлари бузилиш рўйхатига тушганми ёки тушмаганми?

**Нодирахон ОБИДОВА,**
*Тошкент давлат юридик университети талабаси.*

Бу масала шунчаки қизиқишдан иборат эмас, у молиявий ва ҳуқуқий хавфсизлик билан бевосита боғлиқ. Агар мулк бузилиш рўйхатига тушган бўлса, уни сотиш ёки гаровга қўйиш қийинлашади, банк кредитлари рад этилиши мумкин, коммунал хизматлар, хусусийлаштириш, мерос ёки суд жараёнларида муаммолар юзага келади. Шу сабабли, мулк эгаси объекти ҳолатини расмий манбадан аниқлаши зарур.

Бугунги кунда бу маълумотни олиш осон ва тез. Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz орқали онлайн тарзда “Кўчмас мулк бузилишга тушган ёки тушмагани тўғрисида маълумотнома бериш” хизмат турини танлаб, расмий маълумотнома олиш мумкин. Ушбу маълумотнома мулк бузилиши рўйхатида бор ёки йўқлигини тасдиқлайди ва фуқароларни молиявий ҳамда ҳуқуқий нохуш ҳолатлардан ҳимоя қилади. Хизмат эски ва янги биноларга, турар жой ва нотурар жой объектларига, шунингдек, давлат кадастр реестрида рўйхатдан ўтган барча кўчмас мулкларга тааллуқлидир. Шу билан бирга, маълумотнома нафақат мулк эгалари, балки юридик шахслар ва инвесторлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки у мулк бозорида шаффофлик ва ишончни таъминлайди.

Хизмат жисмоний ва юридик шахслар учун мўлжалланган. Агар учинчи шахс вакил сифатида мурожаат қилса, нотариал тасдиқланган ишончнома талаб қилинади. Онлайн мурожаат энг қулай ва тез йўл бўлиб, фойдаланувчи тизимга киради, ариза тўлдиради ва тўловни амалга оширади. Жисмоний шахслар паспорт ёки ID-карта маълумотлари, яшаш манзили, телефон рақами, электрон почта ва мулкнинг кадастр рақамини тақдим этади. Юридик шахслар эса ўз номи, СТИР, электрон манзил, телефон рақами ва кадастр рақамини кўрсатади. Тўлов пластик карта орқали онлайн амалга оширилади ва тахминан 18 540 сўмни ташкил қилади. Ариза кўриб чиқиш муддати уч иш кунини ташкил қилади ва тайёр маълумотнома ПДФ шаклида, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилади. Шу билан у чоп этиш ёки электрон шаклда тақдим этиш учун расмий ҳужжат сифатида ишлатилиши мумкин.

Ушбу хизматнинг амалий аҳамияти катта. Фуқаролар ўз мулк ҳуқуқларини аниқлаш орқали молиявий ва ҳуқуқий хавфсизликни таъминлайди. Бузилиш хавфи остидаги ҳудудларда яшовчи фуқаролар учун бу ижтимоий ҳимоя функциясини ҳам бажаради. Шу билан бирга, давлат органлари учун жараён шаффофлигини ошириш, мулк ҳолати билан боғлиқ низоларни камайтириш ва қонунчиликка мувофиқ қарорлар қабул қилиш имконини яратади. Қурилиш сектори ва бозор учун ҳам хизмат мулк ҳолатини кузатиш, низоларни камайтириш ва инвесторлар билан фуқаролар ўртасидаги ишончни ошириш воситаси сифатида аҳамиятга эга. Агар мулк бузилиш рўйхатига тушган бўлса, ваҳима қилмаслик керак. Давлат қонунчиликка асосан компенсация, муқобил уй-жой ёки бошқа ечимларни таклиф қилади.

Амалий жиҳатдан, мулк эгаси бу маълумотнома орқали бузилиш хавфи остида эканлигини аниқлаб, молиявий ва ҳуқуқий режалаштиришни амалга ошириши мумкин. Шу тарзда, Ўзбекистоннинг рақамли трансформациясида янги саҳифа очилади ва фуқароларнинг ҳуқуқлари аниқ ҳимоя қилинади. Хизмат фуқароларни бехатар, қонуний ва тартибли фаолият олиб бориш имконияти билан таъминлайди ҳамда кўчмас мулк бозорининг шаффофлигини оширади.

# Солиқдан қарзи борлар светсиз қоладими?

Ижтимоий тармоқларда “ер ва мол-мулк солиғидан қарзингиз бўлса, светга пул тўлолмайсиз” деган мазмундаги видеолар тарқалди. Ушбу ҳолат юзасидан Солиқ қўмитаси расмий баёнот берди.

Қўмита маълумотига кўра, “пул бўлса ҳам свет ўчирилади” деган гаплар асоссиз ва ҳақиқатга тўғри келмайди. Маълум қилинишича, 16 апрелдан Наманганда янги тизим синов тариқасида жорий этилади, лекин бу ерда электр энергиясини ўчириш назарда тутилмаган, яъни свет ўчирилмайди. Шу билан бирга, агар фуқарода 1 миллион сўмдан ортиқ солиқ қарзи бўлса ва огоҳлантиришларга қарамай тўламаса, унга нисбатан электр энергияси учун тўлов қилишга вақтинча чеклов қўйилиши мумкин.

Муҳими, ушбу чеклов барча фуқароларга нисбатан қўлланилмайди, яъни ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотган оилалар, ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган фуқаролар ҳамда бошқа имтиёзли тоифалар учун бу чеклов татбиқ этилмайди ва уларга нисбатан амалдаги имтиёзлар сақланиб қолади.

Ҳозирги маълумотларга кўра, Наманганда 1 миллион сўмдан ортиқ солиқ қарзи бор фуқаролар сони қарийб 46 минг нафарни (8 фоиз) ташкил этади. Ушбу тизим ҳозирча фақат Наманганда синов тариқасида жорий этилади, кейинчалик уни бошқа ҳудудларга татбиқ этиш бўйича қарор қабул қилиниши мумкин.

**Ўз мухбиримиз.**

Бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.
Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган суратлар.









# Когонда ичимлик суви тизими янада яхшиланади

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 18 сентябрдаги “Ислом тараққиёт банки” ва ОРЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Бухоро вилояти Когон туманида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2025 йил давомида туманда мазкур халқаро молия институтлари иштирокида 2 та замонавий маҳалла маркази, 3 та мактабгача таълим ташкилоти ва 1 та умумтаълим мактаби янгидан барпо этилди. Шунингдек, мавжуд мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, ёш авлод таълим-тарбияси учун муносиб шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, лойиҳа доирасида туман аҳолисини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳалла ва қишлоқларга ичимлик сувини узлуксиз етказиб бериш ишлари белгиланган талаблар асосида изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, Наврўз маҳалласида 21 минг метр, Янги ҳаёт маҳалласида 28 минг метр, Беклар маҳалласида 12 минг метр, Мустақиллик маҳалласида 45 минг метр, Сараён маҳалласида 18 минг метр, Чолоки маҳалласида 25 минг метр, Когон маҳалласида эса 8 минг метр масофага сув тармоқлари тортилмоқда.

Умумий узунлиги 157 километрни ташкил этувчи мазкур тармоқларни барпо этиш ишлари пудратчи “Бакен қурилиш евро плюс” ҳамда “Когон қурилиш монтаж таъмир” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу йирик лойиҳа яқин ойларда тўлиқ якунлангач, тумандаги ўнлаб хонадонлар тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминланиб, аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланади.

# Чиқиндидан энергия: илғор замонавий лойиҳа

Бухоро вилоятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни самарали бошқариш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган йирик инвестиция лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда.

Айниқса, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш орқали электр энергияси ишлаб чиқаришга йўналтирилган замонавий ёндашувлар ҳудуднинг экологик барқарорлигини таъминлаш билан бирга иқтисодий ўсишга ҳам хизмат қилмоқда.

Бухоро вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Б. Муратов ҳамда вилоят чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ғ. Тиллаев Когон туманида амалга оширилаётган маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида мулоқот ўтказди.

Учрашув давомида инвестициявий лойиҳа ижросининг самарадорлигини таъминлаш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни барвақт аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини белгилаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳар икки ташкилот масъуллари ўзаро фикр алмашиб, лойиҳани изчил ва самарали амалга ошириш бўйича таклифларни илгари сурди.

Мазкур лойиҳа Хитой Халқ Республикасининг “Wangneng Environment” компанияси иштирокида амалга оширилаётган бўлиб, умумий қиймати 165 миллион АҚШ долларига тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўз ичига олади.

Режага кўра, лойиҳа доирасида барпо этиладиган замонавий завод йилига 547,5 минг тонна қаттиқ маиший чиқиндини қайта ишлаш ҳамда 230 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу эса нафақат чиқиндилар ҳажмини қисқартириш, балки қўшимча энергия манбасини яратиш имконини ҳам беради. Шу билан бирга, камида 150 та янги иш ўрни ташкил этилиши аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, деб хабар қилади ЎзА мухбири Зариф Комилов.

Вилоят божхона бошқармаси томонидан ҳудуд ва тармоқлар бўйича умумий қиймати 260 миллион АҚШ долларига тенг бўлган иккита йирик инвестиция лойиҳасини ўзлаштириш ва уларга амалий кўмак бериш режалаштирилгани ҳам қайд этилди.

# Янги масжид – эзгулик ва ҳамжиҳатлик тимсоли

Қизилтепа туманида барпо этилган янги масжид



Рамазон ойининг файзли ва барокатли кунларида Қизилтепа туманининг Хусбуддин, Демас, Консурун ва Гулбоғ маҳаллаларида истиқомат қилувчи фуқаролар учун замонавий ва шинам янги масжид фойдаланишга топширилди.

Мазкур масжид тадбиркор Сарвар Равшанов ташаббуси ва ҳомийлигида барпо этилди. Қарийб 5 миллиард сўм маблағ сарфланган ушбу ибодат маскани бир вақтнинг ўзида 500 нафар намозхонни қабул қилиш имкониятига эга.

Тегишли ташкилотлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар янги масжидга “Хўжа Ёдгори Валий” номи берилганлиги, бу масжид нафақат ибодат маскани, балки аҳолининг бирлашуви, ҳамжиҳатлиги ва эзгуликка интилишининг ёрқин намунаси эканлигини таъкидлади. Бундай хайрли ишлар эса жамиятда меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тарихий манбаларга кўра, мазкур зот ушбу ҳудудда яшаб, Нақшбандия тариқати ривожига улкан ҳисса қўшган. Шунингдек, у Саййид Мир Кулолнинг севимли шогирдларидан бири бўлган.

Маросим давомида иштирокчилар янги масжидда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди ва жамоавий намозлар адо этилди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Абдували Бўриев.

Тадбир якунида эзгу анъанага мувофиқ, масжид атрофига турли манзарали ва мевали кўчатлар экилди.

# Инсон тасаввуридан – илҳомбахш меъморий дурдонагача

Австралиянинг Сидней шаҳри кўплаб сайёҳлар ва архитектура ихлосмандлари учун денгиз сувлари устидаги оқ елканлар билан танилган. Бу нотекис, лекин ниҳоятда уйғун шакллар осмон ва денгиз фонида янада ёрқин намоён бўлиб, бутун дунё тасаввурида ўчмас рамзга айланган.

**Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,**
*"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.*

▼ Sydney Opera театри



Бу – Sydney Opera театри бўлиб, XX аср меъморчилигининг энг буюк ёдгорликларидан биридир. Опера театри жойлашган Bennelong Point ҳудуди гўёки табиат билан инсон ижоди учрашган нуқтани эслатади, яъни бир томонда чексиз сув манзараси, иккинчи томонда эса осмон сари интилган оппоқ қобиқсимон конструкциялардир. Уларнинг шакли баъзилар учун кема елканларини, бошқалар учун денгиз чиғаноқларини, яна кимлардир учун эса парвозга шайланган қуш қанотларини эслатади.

Айнан шу кўп маънолилик бино дизайнининг энг кучли жиҳатларидан биридир. Унинг ташқи кўриниши классик тўғри чизиқлар ва анъанавий шакллардан бутунлай воз кечиб, эркин, ҳайкалтарошлик руҳидаги композицияни намойиш этади. Шунинг учун ҳам Sydney Opera театри бугун нафақат Австралиянинг рамзи, балки бутун инсониятнинг ижодий қудратини ифодаловчи глобал меъморий тимсол сифатида эътироф этилади.

## Ғоянинг туғилиши ва дизайн танлови

Опера театрининг концепцияси 1956 йилда New South Wales ҳукумати томонидан эълон қилинган халқаро архитектура танлови натижасида шаклланди. Бу танлов оддий лойиҳа саралаши эмас, балки замонавий меъморчилик тафаккурини синовдан ўтказган глобал майдон эди. Дунёнинг 28 давлатидан 200 дан ортиқ лойиҳа келиб тушгани ҳам бу ташаббуснинг қанчалик катта қизиқиш уйғотганини кўрсатади. Ана шу улкан рақобат ичида 38 ёшли даниялик архитектор Жорн Утзон таклиф этган лойиҳа кутилмаганда олдинга чиқди.

Унинг қараши ўша давр модернизмининг қатъий, геометрик ва тартибли шаклларидан бутунлай воз кечган эди. Утзон бинони оддий конструкция сифатида эмас, балки тирик организмга ўхшаш, ҳаракат ва нафасни эслатувчи меъморий образ сифатида тасаввур қилди. У таклиф этган оқ рангли, сферик шакллардан келиб чиққан қобиқлар кимларгадир денгиздаги елканларни, бошқаларга эса қирғоқ бўйидаги чиғаноқларни эслатарди. Шу тариқа Утзоннинг ушбу лойиҳаси ноодатийлиги билан тарихда қолди.

## Қурилишнинг мураккаб йўли

Sydney Opera театрининг қурилиши 1959 йилда бошланиб, 1973 йилда якунланди. Жами 14 йил давом этган мураккаб, баҳсли, лекин ниҳоят буюк меъморий дурдонага айланган йўл. Бу жараён оддий бунёдкорлик эмас, балки инсон тасаввурининг чексизлиги, технологик жасорат ва сиёсий иқлимнинг ўзаро тўқнашуви бўлди. Аввал мамлакат пойтахти ҳукуматининг қарори билан ер майдони тозаланди, мустаҳкам подиум ва пойдевор барпо этилди. Кейин эса бино энг кўзга кўринган элементига – машҳур "елканлар" сифатида танилган баланд, оқ қопламаларга навбат келди. Улар оддий том ёпиш эмас, балки конструкцион ва эстетик муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қилувчи мураккаб тузилишлар эди.

Шу тариқа бино нафақат ташқи кўриниш, балки ички макон сифатида ҳам мукаммал ҳолга келтирилди. Бу жараён технологик, сиёсий ва маданий тўсиқларга бой бўлди. Жорн Утзоннинг оригинал дизайни ўз вақтида илғор, ҳатто классик қурилиш методлари учун жуда ноодатий ҳисобланиб, у "елканлар" тузилишида сферик геометрияни амалиётга татбиқ этишни таклиф қилган. Яъни ҳар бир "қалпоқ" радиуси бир хил сфера бўлимидан ташкил топган 2,194 та префабрик бетон бўлаклардан иборат эди. Шу сабабли, бу конструкцион шаклларни яратиш учун ўша даврнинг илғор муҳандислик ечимлари жалб этилди ва кўплаб янги методлар яратилган. Бироқ ғоя буюк бўлса ҳам, уни амалга ошириш жараёни осон бўлмади.

Утзоннинг режалари амалда мавжуд бўлган дастурлар ва қурилиш стандартларига мос келмасди, бу эса техник муаммоларга олиб келди. 1966 йилда лойиҳа устидан сиёсий ва молиявий босимлар кучайгач, Утзон Канада сафаридан қайтмай, лойиҳани тарк этди. Унинг ўрнига Peter Hall бошчилигидаги жамоа келиб, қурилиш жараёнини давом эттирди ва якунлади. Бу ўзгаришлар нафақат профессионал майдонда балки кенг жамоатчилик орасида ҳам кескин баҳсларга сабаб бўлди. Кимдир Утзон ёндашувини ҳимоя қилди, кимдир эса янгича қарашларни қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, Sydney Opera театри қурилиши ўзида ижодий жасорат ва мураккаб муҳандислик, сиёсий қарама-қаршиликлар ва катта маданий интилишларни мужассам этган. Бу бино ўзининг ташқи гўзаллиги билан томошабинларни лол қолдиради, лекин унинг пайдо бўлиши ортида ётган мураккаб йўл инсон онгидаги чизиғини яна бир бор кенгайтиради.

## Меъморлар маҳорати

Жорн Утзон тақдири ҳам унинг меъморий асари каби мураккаб ва рамзийдир. У лойиҳани якунлаш жараёнидан четда қолган бўлса-да, вақт ўтиши билан тарих унинг ҳақлигини тан олди. 2003 йилда у архитектура оламидаги энг нуфузли эътироф – Pritzker мукофоти билан тақдирланди. Бу мукофот Утзон номини дунё меъморчилигининг энг юксак чўққиларига олиб чиқди ва унинг ижодий қарашлари замондан илгарилаб кетганини тасдиқлади. Унинг дизайни бугун ҳам "архитектуранинг чексиз илҳоми" рамзи сифатида тилга олинади. Чунки Утзон оддий бино қуришни эмас, балки инсонни руҳий жиҳатдан кўтарадиган макон яратишни мақсад қилган эди.

Sydney Opera театри ташқи кўринишидаги гўзаллик билан кифояланмайди, у инсон тасаввурини кенгайтиради, санъат ва макон ўртасидаги боғлиқликни ҳис қилдиради. Бугунги кунда Sydney Opera театри нафақат Сидней шаҳри силуетининг ажралмас қисми, балки бутун Австралиянинг миллий рамзига айланган. Энг муҳими, бу иншоот инсон тафаккурида чегаралар йўқ эканини, эслатиб турувчи тирик тимсолдир.

## Замонавий архитектура рамзи

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Sydney Opera театри шунчаки санъат намойиш этиладиган маскан сифатида эмас, балки архитектура тарихининг энг муҳим дурдоналаридан бири сифатида эътироф этилади. У замонавий меъморчилик тафаккурининг бурилиш нуқталаридан бири бўлиб, кўплаб назариялар ва дизайн қарашлари учун илҳом манбаига айланган.

Бинонинг ҳар бир "қобиғи", ҳар бир платформаси ва конструктив детали ортида оддий техник ҳисоб эмас, балки жасоратли тасаввур, синов ва изланишлар ётади. Шунинг учун ҳам Опера театри нафақат кўз билан кўриладиган гўзаллик, балки инсон тафаккури қудратини акс эттирувчи рамздир.

---



**Фахрийлар**

# Объектларни лойиҳалаш устознинг севимли машғулоти

Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши аъзоси Хайрулла Раҳматуллаев 1951 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1978 йили Тошкент политехника институтини архитектура мутахассислиги бўйича тамомлаб, меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар 6-сонли қурилиш трестининг 70-сонли қурилиш бошқармасида бошлади.

**Шерзод НИЗАМОВ,**
*Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.*

Қурилиш-бунёдкорлик соҳасида 48 йиллик тажрибага эга Х. Раҳматуллаев 1968-1976 йилларда 70-сонли қурилиш бошқармасида ишчи, 1976 йилдан бугунги кунга қадар эса "ТАШГИПРОГОР" АЖда ишчи, техник-архитектор, гуруҳ раҳбари, сектор бошлиғи – лойиҳа бош архитектори ва устахона раҳбари лавозимларида ишлаб келмоқда.

Малакали мутахассис иш фаолияти давомида Ислом унверситетининг ўқув корпусини реконструкция қилиш, Навоий тоғ-кон институти ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш университети бинолари қурилишида самарали меҳнат қилган. Шунингдек, "Юнусобод", "Паркент", "Авизозлар", "Беш ёғоч", "Эски жўва", "Марғилон" деҳқон бозорларининг барпо этилишида ҳам у кишининг ҳиссаси катта бўлган. Тошкент давлат цирки, Ўзбекистон давлат миллий академик драма театри биноларини реконструкция қилиш ҳамда Миллий телерадиокомпаниянинг Медиа маркази қурилишида лойиҳа ишларини бажаришда раҳбарлик қилган.

Қурилиш соҳаси фахрийси жамоада маънавий-маърифий муҳитни яратиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ва ўз вақтида бажариш, қурилиш объектларида муаллифлик назоратини олиб боришда "Устоз-шогирд" йўналишида ҳам самарали ишларни олиб бориб, билим ва малакасини ёшларга беминнат ўргатиб келмоқда.

Устознинг соҳа ривожи йўлида олиб борган меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, 2012 йилда "Шуҳрат" медали, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Архитекторлари уюшмаси ҳамда "ТАШГИПРОГОР" АЖ томонидан кўплаб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Ўз соҳасининг пухта билимдони, фидойи ва жонкуяр инсон сифатида шогирдлари ҳамда ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлган устознинг келгуси фаолиятига муваффақият тилаймиз.

---

# Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

## 2026 йил 20-31 март саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси (Самарқанд вилояти бўйича) **Дадахон Бозоров,** Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси **Ҳусниддин Шодиев,** Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси **Улуғбек Раҳимов,** вазирлик телефонисти **Жавоҳир Омонов,** Уй-жойлар қурилишини ривожлантириш ва мақсадли дастурларни мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Иқболжон Юлдошев,** Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Азиз Абдураҳимов,** Пудрат бозори ҳамда тендер, рейтинг ва бюртмачи тизимини ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Анна Караматова,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳайдовчиси **Сарвар Азизов,** Ичимлик сувини реализация қилиш ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматларидан фойдаланиш назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Акрам Латипов,**

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Смета ва қурилишни ташкил этиш бўйича етакчи мутахассиси **Раҳим Худойбердиев,**

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" давлат харидларини ташкил қилиш ва амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Илёс Лутфиллаев,**

"Qishloqqurilishloyiha" DM ДМКонструкторлар бюроси бошлиғи **Баҳодир Ачилов,** Ҳудудий муҳандислик коммуникациялари бўлими бошлиғи **Мираъло Яҳяев,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ бош мутахассислари **Зулфия Абдуқодирова, Бекмурод Раҳимбоев,** техник **Лазиз Пирматов,**

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Светлана Жижимова,** 3-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Файзулла Фатхуллаев,** Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Қаҳрамон Боймуродов,** етакчи архитектор **Любовь Подваркова,** бош бухгалтер **Мамашариф Равшанов,** махсус қисм мудири **Евгения Кеврикис,** "Қашқадарё" филиали муҳандиси **Ойбек Олимов,** "Фарғона" филиали етакчи архитектори **Хуршиджон Зокиров,**

"Ўзоғирсаноатлойиҳа" АЖ ООРТР бошлиғи **Иван Подпорин,** ОВ етакчи муҳандиси **Нилуфар Абдураҳманова,** ОВ муҳандиси **Вячеслав Окороков,** ООПР раҳбари ўринбосари **Вафобек Тошбаев,** АСС-2 етакчи муҳандиси **Қобилжон Отаев,** муҳандис **Ғиёсбек Хушмуродов,** техник **Асилбек Файзиев,** ОК раҳбари **Дилфуза Фазилова,** ООРТР муҳандиси **Сардорхўжа Ҳошимов,** ООРТР раҳбар ўринбосари **Абдурашид Рихсиев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш бўлими бошлиғи ўринбосари **Наурызбек Жуманбетов,** Тахиатош тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Атабек Машарипов,** Нукус шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Казбек Сейтназаров,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи **Сардор Камалов,** бош мутахассис **Диора Палванова,**

Андижон вилояти Асака тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жасурбек Набижонов,** Бўстон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Акмалжон Жўраев,** Қўрғонтепа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича етакчи мутахассиси **Иброҳим Тулянов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик мудири **Нилуфар Ахатова,** Қарши шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жасурбек Ғаниев,** Чироқчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Алишер Абдураҳмонов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Ойбек Олимов,** Ичимлик сувини реализация қилиш ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматларидан фойдаланилишини назорат қилиш шўъбаси бош мутахассиси **Бобур Турсунов,**

"Иссиқлик таъминоти" АЖ Соҳани рақамли ривожлантириш бўлими бошлиғи **Ориф Дўсяров,** Қурилиш дастурларини шакллантириш, бирламчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи **Улуғбек Ўктамов,** бош мутахассис **Жасурбек Соҳибов,** Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бош мутахассиси **Бахтиёр Воҳобов,** "Қорақалпоғистон" республикаси филиали чилангари **Маҳаммаджон Арипов,** "Навоий" вилояти филиали директори **Жамол Исмоилов,** бош энергетик **Баҳодир Суюнов,** "Андижон" вилояти филиали Юридик шахслар билан ишлаш бўлими мутахассиси **Равшан Умаров,** "Самарқанд" вилояти филиали Назоратчи-инспектори **Рихситилло Баратов,** "Қашқадарё" филиали ҳисобчи мутахассиси **Баҳром Қуватов,** назоратчи **Марғуба Диярова,**

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги "To'rtko'l Kom Stroy" БСК МЧЖ бош директори **Холида Балтаева,** Андижон вилояти Жондор туманидаги "Сардорбек Шаҳзод БСК сервис" МЧЖ бош директори **Сардор Аманов,** Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги "Zafarobod Maxsus Kommunal Servis" БСК МЧЖ бош директори **Наврўз Ўралов,** Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Билолов Усмон Коммунал сервис" БСК МЧЖ бош директори **Усмон Билолов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

*Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!*

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O'zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

**Таҳрир ҳайъати:**
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"ЎзГАШКЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефонлар:**
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 341.
1262 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎзА якуни – Топширилди – 00.10.

Газетанинг навбатдаги сони 31 март куни чиқади.







## "SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI" DM

va uning hududiy filiallari jamoalari

Bahoriy tengkunlik va yangilanish bayrami –

# Navro'z

bilan butun O'zbekiston xalqiga a'lo kayfiyat hamda mustahkam sog'lik tilab qolamiz.

Bahoriy iliqlik qalbingizni tark etmasin.
Bayramingiz qutlug' bo'lsin, aziz yurtdoshlar!